БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
24 февраль
Шанба
№ 39 (13.475).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Йигирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг АХБОРОТИ

1990 йил 18 февраль куни бўлиб ўтган йигирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги районлар, посёлка ва қишлоқ Советлари депутатлари сайлови республикамиз меҳнаткашлари қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлаётганликларини, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари янгиланаётганлигини демократия тантанасини ишончли тарзда намойиш этди. Сайлов уюшқоқлик билан, осойишта ва амалий вазиятда, ортиқча дабдабасиз ўтди. Ҳамма ерда республика, унинг ҳар бир регионини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга, шу мураккаб вазифани уддасидан чиқишга қодир бўлган депутатларни сайлашга, Советларнинг самарали ишини таъминлашга интилиш қайд этилди.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ тарзда амалга оширилди. Сайлов кампаниясида фаол иштирок этган республика меҳнаткашлари янги сайлов қонуни замиридаги демократик дастурлардан кенг фойдаландилар. Бир қанча сайлов округларида бир ўринга бир неча номзод кўрсатиш таъминланди, депутатлик мандатини олиш учун иккита ва ундан ортиқ даъвогар бўлди, номзодларнинг кўпчилиги гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларда, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари, жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилди. Ҳаммаси бўлиб республика маҳаллий Советларига 86,6 минг нафардан кўпроқ депутатликка номзод овозга қўйилди.

Сайловни ўтказиш учун 22632 та территориал ва округ сайлов комиссияси тузилди, бу комиссиялар ишида жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари вакилларидан ва гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишлар намояндаларидан 192,6 минг нафардан кўпроқ киши қатнашди. Ушбу комиссиялар составида 87417 киши ёки 45,4 фоиз ишчилар ва колхозчилар; 66730 киши ёки 34,6 фоиз КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар; 74896 киши ёки 38,9 фоиз хотин-қизлар; 49754 киши ёки 25,8 фоиз 30 ёшга тўлмаган йигит-қизлар; 32139 киши ёки 16,7 фоиз ВЛКСМ аъзоси ишлади.

Сайлов 10 та область, 148 та район, 124 та шаҳар, 17 та шаҳарлардаги район, 104 та посёлка ва 1245 та қишлоқ халқ депутатлари Советларида ўтказилди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловини ўтказиш учун 73514 та сайлов округи, шу жумладан область Советларига сайлов ўтказувчи 2370 та, район Советларига сайлов ўтказувчи 11948 та, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи 8170 та, шаҳар район Советларига сайлов ўтказувчи 1543 та, посёлка Советларига сайлов ўтказувчи 3611 та, қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 45872 та сайлов округлари тузилди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетидан олинган маълумотларга кўра, республика маҳаллий Советлари депутатлари сайловида 9.376.454 нафар сайловчи ёки сайловчилар умумий сонининг 93,4 фоизи қатнашди.

Советлар	жами сайловчилар	овоз беришда иштирок этганлар	фоиз ҳисобида
область	8.243.611	7.824.355	94,9
район	6.232.670	6.083.573	97,6
шаҳар	4.239.475	3.715.720	87,6
шаҳарлардаги район	1.641.990	1.349.055	82,2
посёлка	434.287	393.289	90,6
қишлоқ	5.740.365	5.307.109	92,5

Овоз бериш якунларига кўра 2.071 область Советлари депутатлари, 11.549 район Советлари депутатлари, 7.222 шаҳар Советлари депутатлари, 1.321 шаҳарлардаги район Советлари депутатлари 3.446 посёлка Советлари депутатлари, 45.391 қишлоқ Советлари депутатлари сайланди.

Сайловни ўтказиш чоғида ва овозлар саналаётганида сайлов қонуни бузилгани сабабли округ сайлов комиссиялари район Советларига сайлов ўтказувчи тўрт сайлов округида, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи иккита ва қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи учта сайлов округида сайловни бекор қилдилар. Номзодлар кетиб қолиши муносабати билан 46 та сайлов округида сайлов бўлмади. Кўпи билан иккита депутатликка номзод овозга қўйилган 1.849 сайлов округида даъвогарлардан бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овоз ололмади. Барча ана шундай ҳолларда икки ой муддат ичида такрор сайлов ўтказилади.

Уч нафар ва ундан кўпроқ депутатликка номзод овозга қўйилган область Советларига сайлов ўтказувчи 138 та, район Советларига сайлов ўтказувчи 65 та, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи 268 та, шаҳарлардаги район Советларига сайлов ўтказувчи 76 та, посёлка Советларига сайлов ўтказувчи 25 та ҳамда қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 38 та сайлов округида номзодлар овоз беришда иштирок этган тегишли округлардаги сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олмадилар ва депутат этиб сайланмадилар. Мазкур округларнинг ҳар бирида икки ҳафта мобайнида 18 февраль куни сайловчиларнинг энг кўп овозини олган иккитадан номзод қайтадан овозга қўйилади.

Умуман республика бўйича маҳаллий Советларнинг 71 минг депутати сайланди, улардан 15.850 киши ёки 22,3 фоизи ишчилар, 14.906 киши ёки 21 фоизи колхозчилардир. Сайланган депутатлардан 38.802 киши ёки 54,7 фоизи КПСС аъзолари ва КПСС аъзолигига кандидатлардир; 5.433 киши ёки 7,7 фоизи ВЛКСМ аъзоларидир; 17.546 киши ёки 24,7 фоизи хотин-қизлардир; 9.108 киши ёки 12,8 фоизи ёши 30 га тўлмаган йигит-қизлардир; 46.772 депутат ёки 65,9 фоизи биринчи марта сайланди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови республикада сиёсий система ислоҳотининг муҳим босқичларидан бири бўлди. Сайлов кампанияси жамиятимизда демократизм қарор топаётганлигини, Ўзбекистон меҳнаткашлари қайта қуриш вазифаларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётганлигини тасдиқлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ БАЪЗИ ОКРУГЛАРДА ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 53-моддасига асосан 1990 йил 15 апрелда 36 та сайлов округида қайта сайлов ўтказишга қарор қилди. Қайта сайлов ўтказиш аввалги составдаги тегишли округ ва участка сайлов комиссияларига топширилди.

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ асосий сайловолди тадбирларини ўтказишнинг қуйидаги тартиби белгиланди:

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш — 1990 йил 15 мартга қадар;

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш — 1990 йил 31 мартга қадар;

депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари улар рўйхатга олинган кундан бошлаб 1990 йилнинг 14 апрелигача ўтказилади;

сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамма танишиши учун 1990 йилнинг 3 апрелида тақдим этилади.

Қайта сайловда овоз бериш аввалги сайлов участкаларида, умумий сайлов ўтказиш чоғида тузилган сайловчилар рўйхатлари асосида ўтказилади.

Тегишли округ сайлов комиссияларига барча сайловолди тадбирларини сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ сифатли ўтказилишини таъминлаш ҳамда қайта сайлов ўтказилиши тўғрисидаги ахборотни область матбуоти ва маҳаллий матбуотда 1990 йил 1 мартгача эълон қилиш вазифаси топширилди.



Очиғини айтган маъқул. Кийим-кечаклар ўзимиздаям яхши тикиляпти. Халқ мамнун. Ҳар ҳолда илгаригидан ўзгариш бор. Сифатли. Чоклари бежирим. Енги узун-қисқа, ёқаси чала тикилган кийимлардан аста-аста қутулаётганимизга шукр. Табиийки, бу ўзгаришларда Назокат Норованинг ҳам ҳиссаси бор. У Самарқанд «Меҳнат» тикувчилик фабрикасининг Боғизоғондаги ўнинчи филиалида ишлайди. Комсомол аъзоси. У ҳамкасблари орасида илғор. Ўз режасини бир юзи ўн фоизга етказиб уддалаётир. Маҳсулотининг ҳаммаси биринчи навга.

Ғ. АЛИЕВ суратга туширган.

Қўшимча ишчи ўринлари

Чортоқ ноҳиясидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли давлат хўжалиги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Шунингдек бу ерда чорвачилик, паррандачилик, ғалла ва картошка етиштириш каби тармоқлар ҳам яхши ривожланган. Аммо ҳозирча гап бу ҳақда эмас. Хўжалик ҳудудида учта ўрта мактаб мавжуд. Ҳар йили кўплаб ўқувчилар ушбу билим масканларини тамомлаб чиқадилар. Аммо битирувчиларнинг ҳаммаси ҳам билим юртларига кириши қийин. Кўриниб турибдики, бундай ёшларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш лозим бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, хўжалик ҳудудида жойлашган Ҳазратишоҳ қишлоғида 60 ўринли Чортоқ тикувчилик корхонаси филиали ишга туширилди. Натижада бир вақтнинг ўзида 60 нафар қиз-жувон иш билан таъминланди.

Бугунги кунда корхона чеварлари юқори унум билан меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Холисхон Абдувоҳидова, Марҳабат Исоқова, Кимсаной Ҳакимова каби чеварлар бажараётган иш суръати ва сифати барчага намуна бўлмоқда.

Ҳазратишоҳлик чеварлар бу йил 1 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, келгусида бу кўрсаткични бир ярим бараварга оширишга аҳд қилганлар. Бундан кўринадики, келгуси йилда бу ердаги ишчи ўринлари сони 120 тага етади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Ноҳияда ҳар йили юзлаб йигитлар Совет Армиясига хизматга чақириладилар. Аммо уларнинг хизматгача ва ундан кейинги фаолиятлари билан ҳеч ким қизиқмаяпти. Шуларни инобатга олиб, йигитлар учун ҳам корхоналар барпо этиш ишларини жадаллаштириш ҳазратишоҳлик меҳнаткашларнинг бирдан бир орзуси.

А. АСРОРОВ,
Чортоқ ноҳиясидаги 30-мактаб ўқитувчиси.

Жумҳурият янгиликлари

САМАРҚАНД яқинидаги тоғ этакларида «Миронкўл» санаторийси очилди. Самарқанддаги Центросоюз кооператив институтининг талабалари ва ўқитувчилари унинг эгалари бўлишди. Уч қаватли бинода бир вақтнинг ўзида қарийб 60 киши даволаниши ва ҳордиқ чиқариши мумкин. Бу ерда даволаш физкультураси ва заллари ва физиотерапия хоналари, ошхона бор. Ўқишдан ажралмаган ҳолда санаторийга қатнаётганларга махсус автобуслар хизмат қилади. Мазкур олий ўқув юртида 140 нафар байналмилал жангчи таҳсил олаётган бўлиб, уларга қўлланмалар бепул берилади.

ПАХТАОБОД шаҳри ветеранларининг «Оталар» чойхонасида ёрдамга муҳтож кекса юртдошлар учун маблағ тўпланди. Бу одатдан ташқари тадбир шу куни юз ёшга тўлган меҳнат ветерани Тожихонбуви Сиддиқованинг туғилган кунини нишонлашдан бошланди. Саноат корхоналарининг, колхозларнинг вакиллари, ноҳия ёшлари муътабар онахонни самимий қутладилар. Шу куни ёлғиз ва муҳтож уруш ва меҳнат ветеранларига ёрдам қилиш учун қарийб 30 минг сўм тўпланди. «Москва» ва «Коммуна» колхозларининг, 59-автобазанинг жамоалари меҳр-мурувват ва саломатлик ноҳия фондига катта улуш қўшдилар.

(ЎзТАГ).

Қурултой бўлиб ўтди

20 февраль куни Тошкентда жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар бўлмасида Ўзбекистон «Эрк» халқ ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. «Эрк» халқ ҳаракати қайта қуриш ва ошкоралик шарофати туфайли пайдо бўлди, дейишди йиғилганлар. Мамлакатда ва жумҳуриятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар, Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги фикрлар хилма-хиллигига, сиёсий курашга халқнинг кўпгина қатламлари ҳам қўшилиб кетгани шундай ҳаракат тузиш эҳтиёжини туғдирди. Бу халқ ҳаракати барча тараққийпарвар ҳаракатларни инкор қилмаган ҳолда сиёсий ва иқтисодий курашда ўз мақсадига эгадир.

Бошқа жумҳуриятларда бўлаётган воқеалардан шундай сабоқ чиқариш мумкинки, ҳар қандай ҳаракат унга аъзоларнинг сиёсий онгига, билими ва ички интизомига боғлиқ. Шунингдек, токи қон тўкиш эвазига «муваффақиятга» эришиларкан, бундай «муваффақиятнинг» тагида ёвузлик ва жаҳолат ётади. Шундан бу ҳаракатнинг ҳеч қандай инсонпарварлиги қолмайди. Кимнинг қони бўлишидан қатъи назар, қон тўкиш ўша ҳаракатни қурбон қилиш билан баробардир. «Эрк» халқ ҳаракати бошқа кураш усулларидан воз кечмаган ҳолда ҳар қандай масалани парламент ва мулоқот йўли билан ечиш тарафдоридир. Ҳаракат жуда таранг бўлиб турган миллий эҳтиросларни ҳар хил миш-мишлар, асоссиз айбловлар, ғиж-ғижлар, тўполонлар билан эмас, ақл-идрок, сабр-тоқат ва ғоялар кураши йўли билан ҳал этишни истайди. Ҳозирги вазиятда миллатларни бир-бирига қайраш барча тараққийпарвар кучларни тор-мор этиш билан баробардир. Вазият жуда қалтис. Жумҳуриятда тасодифан отилган бир ўқ, минглаб одамларнинг ёстиғини қуритадиган қирғинбаротни бошлаб бериши мумкин.

«Эрк» халқ ҳаракати олимлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, зиёлилар ва халқимизнинг барча онгли, фидойи фарзандларига таяниб иш кўради ҳамда қаттиқ интизомни талаб қилади. «Эрк» халқ ҳаракати халқимиз ва жумҳуриятимизнинг асл мустақиллиги, инсон эрки, халқлар дўстлиги учун курашади.

Қурултойга йиғилганлар ҳаракатнинг пайдо бўлиши сабабларини, дастуриламалини шундай асосладилар.

Қурултойда асосан ташкилий вазифалар кўрилди. Қурултой ҳаракатнинг дастуриламали ва Низомини тасдиқлади. Марказий Кенгаш ва ҳайъат сайланди. Шунингдек тафтиш, таҳрир, молия, матбуот шўъбаларини тузди. Қурултой якдиллик билан ҳаракатга раислик қилишни Ўзбекистон ССР халқ шоири Эркин Воҳидовга ва Муҳаммад Солиҳга топширди. Шу билан қурултой ўз ишини тугатди.

Сафар БЕКЖОН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси — **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари — **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

1990 йил 22 февраль.
Тошкент шаҳри.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми маълум қиладики, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида кўриб чиқиш учун қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилади:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети органларини тузиш.
2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳукуматнинг бўлажак фаолияти программаси тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг «Иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ва XIII беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар ҳақидаги» қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги доклади.
3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советини ҳамда Олий Советга бўйсунувчи бошқа органларни тузиш.
4. Республикани иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи бошқариш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш ишининг асосий йўналишлари ҳақида.
5. Республика меҳнаткашларининг Ўзбекистон ССР гражданлари ҳарбий хизматни ўташи тартибини ўзгартириш масалаларига доир таклифлари тўғрисида.

Шу масалалар билан бирга бошқа бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

БЎКАДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Илгари хабар берилганидек, 20 ва 21 февраль кунлари Бўка ноҳиясида ижозат берилмаган митинглар ва йиғилишлар бўлди. Ички ишлар органлари жамоат тартиби бузилишининг олдини олиш чораларини кўрдилар. Жабр тортганлар ва қурбонлар йўқ.

Бўка ноҳиясида вужудга келган аҳвол Тошкент вилоят партия қўмитаси бюросининг мажлисида кўриб чиқилди ва аҳволни барқарорлаштириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Вилоят партия қўмитасининг бюросида одамлар норозилигининг сабаблари чуқурроқ эканлиги таъкидланди — ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг суст ҳал этилаётганлиги, ижтимоий адолат принципларининг бузилаётганлиги, кадрлар масаласидаги нуқсонлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят қўмитаси бюросининг қарори билан ноҳиянинг бир қанча раҳбар ходимлари партиявий йўл билан қаттиқ жазоланди, ижтимоий кескинликни юмшатиш юзасидан кечиктирмай бажариш лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги вақтда Бўкадаги ва унга яқин жойлардаги аҳвол барқарорлашди ва батамом назорат қилинмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари жамоат тартиби бузилиши фактлари юзасидан терговни давом эттирмоқдалар.

МИШ-МИШНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Халқларимиз қадимдан миллати ва ирқидан қатъи назар бир-бирлари билан аҳил ва иноқ яшаб келганлар. Кези келганда топган бир бурда нонларини ҳам баҳам кўришган. Кейинги пайтда мамлакатимиз, жумладан, жумҳуриятимизнинг вилоят ва ноҳияларида дўстлигимиз, аҳил-иноқлигимизга соя солаётган айрим кишилар пайдо бўлди. Улар зўр бериб миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга уринишмоқда. Айниқса, бу Фарғона воқеаси атрофидаги шов-шувларда кўзга яққол ташланди. Тилига эрк берган бундай кимсалар ҳар хил миш-мишлар, уйдирмалар тўқиб чиқариб ёшларимиз қалбини жароҳатлашмоқда. Улар ўртасидаги дўстлик, байналмилал тарбияга путур етказмоқда. Бундай миш-мишлар биз ёшларни хавотирга солмоқда.

Баъзи кимсаларнинг ошкоралик ва демократия яратиб берган имкониятлардан «қуюшқондан чиқиш», яъни ҳаддидан ошиш учун фойдаланаётганлигини ҳеч бир оқлаб бўлмайди. Бундайларга қарши қонун йўли билан таъсир чораларини кўриш керак, деб ҳисоблаймиз. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида саросимага солувчи игвогарлик ҳолларига чек қўйиш, экстремистик руҳдаги намойиш ва хатти-ҳаракатларга қарши қабул қилинган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини мақбул тадбир деб қўллаймиз. Ушбу фармон энг аввало кўнгилсиз воқеалар, миллатлараро низолар, қайта қуришга қарши хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган, деб биламиз.

Нурали НИШОНОВ,
Андижон ип газлама комбинати чилангари.

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПАДИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Фармони матбуотда эълон қилинганлигига кўп бўлгани йўқ. Уни ўқиб, баъзи фикрларни айтиш истаги туғилди.

Ҳозир миллий муносабатлар мураккаб бўлиб турибди ва бу табиий. Ким ҳақу, ким ноҳақлиги куч билан исботланаётганида ҳақ томон учун ягона йўл — сиёсий йўл мавжуд. Зеро, сиёсатда жиловланмаган қудратни сабр-тоқат ва хотиржамлик енгиши ўз-ўзидан маълум. Бизга эса осойишталик ва хотиржамлик ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ.

Куни кеча Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайловлар натижалари маълум бўлди. Парламент таркибига халқ ўзи хоҳлаб сайлаган кишилар ҳам кирган. «Сабрнинг таги олтин» дейдилар. Сиёсатга сиёсат билан жавоб беришимиз, қаерлардадир уюштирилаётган ғиж-ғижларга учмаслигимиз лозим. Зеро, боши бор ишнинг, интиҳоси ҳам бўлади. Ноҳақлик битади, ҳақиқат эса қарор топади.

Фурқат НЕЪМАТ,
журналист.
Самарқанд.

БУ ҚАНДАЙ ҚЎМИТА?

Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси ҳақидаги бу репортажда муаллиф шу пайтгача «оддий ёшлар» учун номаълумлигича қолиб келган қўмитанинг ўзига хос томонлари ҳақида ҳикоя қилади. Ташкилот ходимларининг иш тарзи, муаммолари, ҳатто «имтиёзлари» ҳам муаллифнинг синчков нигоҳидан қочиб қутилолмаган. Ўқинг, қизиқ маълумотларни билиб оласиз.

Репортаж ёзишдан аввал кичик сўров ўтказдим: Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси қандай ишлар билан шуғулланишини биласизми. Жавоб берувчилар орасида талабалар, ишчилар, колхозчилар, мактаб ўқувчилари, олимлар бор эди. Ҳеч ким аниқ билмас экан. Кўпчилик ёшлар бундай ташкилот борлигидан бехабар. Аммо шундай қўмита мавжуд. Яқинда ўзининг ўттиз уч ёшини нишонлади.

Хўш, нега биз, айниқса ёшлар ўзимизнинг шундай «кекса» ташкилотимиз фаолияти ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз? Ҳар ҳолда, талай ҳужжатлари «сов. секретно!» («мутлақо махфий») деган сўздан бошланган учун эмас.

Бугун юқоридаги саволга бирга жавоб қидирсак, нима дейсиз? Шунинг баробарида, Сиз ҳам қўмитанинг ҳаётига оид талай «янгиликларни» билиб олардингиз. Мен эса саёҳатимиз қизиқарли ўтишига ҳаракат қиламан. Розимисиз? Унда кетдик!

«Қаёққа?»

Аввал кўҳна Шошнинг энг сокин, энг сўлим гўшаларидан бирига таклиф қиламан. У ерда Сиз шаҳарнинг бошқа даҳаларида бўлгани каби, чиқиндилар уюмию лойгарчиликларни, ёҳуд чанг-тўзон кўрмайсиз. Беш кунлик келинчакнинг ҳовлисидек саранжом-саришталикнинг гувоҳи бўласиз. У бош кентимизнинг қоқ марказида, байрамлар куни шаҳар аҳли эришаётган ютуқларидан қувончи ичига сиғмай, «Яшасин!»лаб ўтадиган Намойишлар хиёбонида.

Эрта-индин юртимизга кўклам келади. Баҳорни соғинган, турмушнинг машаққатли ташвишларидан толиққан кўнгиллар мусаффоликка, табиат оғушига талпинади. Ана шундай дамларда Ёшлар ташкилотлари қўмитаси (ЁТҚ) жойлашган бино атрофи янада оромбахш бўлиб кетади. Мажнунтоллар «сочи»ни шабадалар тарайди. Доим парваришлаб, тартибга келтириб туриладиган майса йўлкалар киши нигоҳини ўғирлайди. Ям-яшил арчалар, анвойи гуллар, чинорларга қарашнинг ўзи киши ҳордиғини чиқариб юборади.

Бундай сўлим ва оромбахш манзарани биз Оврупача услубда қурилган беш қаватли ойнаванд бино ичида ҳам кўрамиз. Фарқи шуки, қишнинг аёзли кунларию саратоннинг жазирамасида ҳам ичкарида доим баҳор. Зилол сувли ҳовуз, гуллар, номларини ўзбекча китоблардан топиш қийин бўлган барваста ўсимликлар бино ҳавосини доим мўътадил сақлаб туради.

ЁТҚ ана шу иморатда, Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг ҳузуридан паноҳ топган.

Эшик оғасидан рухсат олиб, кенг айвон оша оппоқ мармар зиналардан юқори кўтарила бошлаймиз ва йўл-йўлакай ўйлаб борамиз: «Ҳам комсомол Марказий Қўмитаси, ҳам ЁТҚ бир жумҳурият йигит-қизлари учун икки раҳбар ташкилот кўплик қилмасмикан? Бунинг устига янги «Государственний Комитет по делам Молодёжи» (Ёшлар ишлари бўйича Давлат қўмитаси) ташкил этилармиш деган гаплар ҳам қулоққа чалинмоқда.

Қолаверса, ёшлар ўзларича норасмий уюшмалар тузишга уринишгани-уринишган. Қизиқ-да!..

Иккинчи қават. Гулдор поёндозларни босиб ўтиб, «Саидов А. Х.» сўзлари битилган эшикка рўбарў бўламиз. Уни очишга шошилмайлик. Хона соҳибини таништирай: Акмал Саидов — ЁТҚнинг раиси. Ҳаракатчан, очиқкўнгил, ғайратли йигит. Ёши — 30 да. Ўзбек, рус, инглиз, француз, араб тилларини билади. У бу лавозимга яқинда сайланди. А. Саидов бунгача комсомол Марказқўмида мафкура бўлимига мудирлик қилган.

Шу кеча-кундузда ҳуқуқ фанлари доктори бўлиш иштиёқида юрибди. Дорилфунун талабаларига шариатдан маърузалар ҳам қилади. Яна таъкидлаб ўтишга молик маълумот: Акмал — комсомол аъзоси. Бу жиҳатдан яқин-яқингача ушбу бинода ягона ходим эди. Акмалнинг фирқа аъзоси эмаслиги, комсомолда кадрлар бобида қайта қуриш кетаётганлигига кўпгина ўринларда фахр билан мисол қилиб келтирилади.

Мана, А. Саидовнинг хонасидамиз. Бежиримгина. Турли тиллардаги китоблар, журналлар, альбомлар. Телефонлар тўхтовсиз жиринглайди. Ёшлар фаоллашган — комсомол ходимларига бериладиган топшириқлар кўпайган, нимагадир қоғоз кам.

Яна диққатга сазовор томони — ЁТҚнинг бурунги раҳбарлари билан қизиқсак, ажиб ҳолнинг гувоҳи бўламиз: деярли, барчаси аёллар. Ешимбетова, Раҳимбердиева, Шукурова, Тоштемирова ва бошқалар. Гўё қўмитани «тортиш» фақат аёлларимиз чекига тушган.

— Аёлларми, эркакларми бунинг унчалик аҳамияти йўқ, — дейди А. Саидов. — Энг асосийси — иш, халққа, жамиятга келтирадиган фойда. Мен қўмита энди эскича кун кўролмаслигини англаб етдим.

— «Эскича» деганда нимани назарда тутмоқдасиз?

— Ишимизга тўғаноқ бўлаётган расмиятчилик, қоғозбозлик ва бошқа идорасевар иллатларни. Ёшлар қолиб, ҳар хил қарорлар, маълумотнома (справка), ҳисоботлар, мажлис-у кенгашлар билан машғул бўлиб кетишларни назарда тутяпман.

— ЁТҚ нега айнан 1957 йилда, бунинг устига, 31 январь куни туғилган?

— Мамлакатимизда 1956 йилгача иш олиб борган фашизмга қарши Совет ёшлари қўмитаси ўз фаолиятини тугатди. Бу пайтга келиб илгари хорижликлар учун анчайин ёпиқ бўлган чегараларимиз бир оз очилиб, чет эл билан алоқаларимиз янада яхшилана бошлади. Бу ёшлар ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатган. Аммо Ғарбдаги барча ёшлар ташкилотлари ҳам бошдан охири ғоявийлашиб кетган комсомол билан алоқа ўрнатишни истамасди. Ёшларнинг бошқа жамоат ташкилотлари йўқ. Натижада, аввал Москвада, кўп ўтмай, Тошкентда Ёшлар ташкилотлари қўмитаси тузилган. Ўзбекистон ЁТҚси сафига ёш олимлар, мутахассислар Кенгаши, ДОСААФ, ижодий уюшмаларнинг ёш ижодкорлар шўъбалари киритилган.

— Кирмаган. «Киритилган?»

— Ҳа. Бошқа илож бўлмаган-да. Ёшларнинг янги жамоат ташкилотлари энди, қайта қуриш даврида тузила бошлади: масалан, яқинда Байналмилал ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси ташкил этилди. Талабалар ўзларининг кенгашини тузишмоқчи. Норасмий уюшмалар кўпаймоқда. Буни ҳисобга олишимиз, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўриб-билиб бормоғимиз талаб этилади. Комсомол ҳам энди ёшларнинг фикрини ифодаловчи ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этувчи ягона ташкилот бўлолмаслигини тан олди.

—Демак, қўмитанинг норасмий ташкилотлар билан ҳам ишлашига тўғри келаркан-да?

— Қаёққа қочиб қутуламиз! Ахир улар бегона эмас, халқимизнинг фарзандлари, ватандошларимиз! Биздан кўра бошқачароқ фикрлар экан, деб чет элга ҳайдаб юбормаймизку! Илгари норасмийлар, асосан, турли эрмак, қизиқишларига кўра уюшган бўлсалар, энди улар сиёсий жараёнга ҳам фаол аралаша бошладилар. Улар орасида ижодий уюшмаларнинг зиёлилари борлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Негаки, бугун, қайта қуриш даврида халқнинг уларга бўлган ҳурмат-эътибори янада ошди. Булар ижобий, давр талабларидан келиб чиқаётган ўзгаришлар. Қайта қуриш, демократия, ошкоралик, фикрлар ранг-баранглигига хос ўзгариш.

Биз уларни илгаридек қувғин қилсак, айниқса, тилда меҳрибонлик қилиб, амалда зуғумлар ўтказсак, Ўзбекистондаги шусиз ҳам чигал вазиятни янада ёмонлаштириб юборишимиз мумкин. Атрофимизга аламзадаларни йиғиб олган бўламиз. Бундай ёшлар улғайгач, катта кучга айланади.

Биз ислоҳ этмоқчи бўлаётган ЁТҚ ёшларнинг барча расмий, норасмий уюшмаларига ҳурмат-эҳтиром билан ёндашади. Улардаги соғлом кучларни жамиятимизнинг ривожи учун сафарбар этишга уринади.

— Сиз шундай деяпсизу, мен ўйлаб ўтирибман. Бу ишлар билан комсомол ҳам шуғулланади-ку? Шартми яна бир... ташкилот. («Бюрократик ташкилот» деб юборишимга сал қолади).

— Қўмитамиз Ўзбекистон ёшларига бугунги кўринишда, ҳолатда келгусида керак бўлмаслиги мумкин. Аммо жумҳуриятимиз дунё эшигини ўз қўллари билан қоқмоқчи бўлиб турганида, бундай ташкилот унга жуда-жуда керак бўлади, деб ўйлайман. Йўқ, ўзим унинг раиси бўлганим учунгина айтмаяпман, бу гапларни. Давр биз ёшлардан жумҳурият, иттифоқ, балки дунё миқёсида фикрлашни талаб қилмоқда. Буни М. С. Горбачев «янгича тафаккур» деб номлади. Жаҳон миқёсида тўғри фикрламоғимиз учун эса оламни билмоғимиз, сайёрамиздаги барча юртлардан дўстлар, ҳамфикрлар орттирмоғимиз, турли миллат ёшлари билан борди-келди қилмоғимиз керак. Бунинг учун жумҳуриятимиз ёшларига воситачи ташкилот — қўмитамиз жуда керак. Бу ишга у ўттиз уч йилдан буён ўз ҳиссасини баҳоли қудрат қўшиб келмоқда.

— Акмал, ана шу «баҳоли қудрат» қанчалигини билмаймиз. Жумҳуриятимизда ЁТҚ фаолияти кўпчилик ёшларимиз учун қоронғулигича қолмоқда. Айтганча, бу ҳақда матбуотда ёзишган, қўмитанинг ўтган умумий йиғилишида ҳам делегатлар айтишганидан хабардормиз.

— Афсуски, гапингиз тўғри. Қўмитамизни кўпчилик билмайди.

— Нега?

— Очиғини айтсам, у бугунги кунда мустақил ташкилотдан кўра, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг халқаро бўлимига ўхшаб кетади. Бизнинг ўз маблағимиз, муҳримиз йўқ. Иқтисодий мустақиллик йўқ жойда, сиёсий мустақиллик бўлиши қийин. «Кимнинг аравасида ўтирган бўлсанг, ўшанинг қўшиғини айтасан», дейди халқимиз бундай ҳолларда.

— «Аравани» алмаштириш учун ҳаракатлар бошланди, дедингиз. Матбуотда ЁТҚнинг Устави лойиҳаси эълон қилинди.

— Ҳа, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг сўнгги пленумида бу борада муҳим биринчи қадам қўйилди. ЁТҚнинг биринчи Устави лойиҳаси тасдиқланди. Ҳозир матбуотда унинг муҳокамаси давом этмоқда. Мен фурсатдан фойдаланиб жумҳуриятимизнинг барча йигит-қизларини бу муҳокамада фаол иштирок этишга таклиф қиламан. Талабалар, ижодкор ёшлар, қонуншунослар, комсомол ходимлари, айниқса, ташаббус кўрсатадилар деб умид қиламан.

— Устав лойиҳаси бор. У эрта индин қабул ҳам қилинар. Иннанкейин-чи?

— Иннанкейин ўз рўзғоримиз, маблағимиз том маънодаги мустақиллигимиз бўлади, деб ишонгимиз келади. ЁТҚ ёшларнинг жамоат ташкилотларини бирлаштирувчи ҳукумат тасарруфидан ташқаридаги (неправительственний) қўмита бўлади. Унинг мақсад ва вазифаларини мен юқорида қисман бўлса-да, айтиб ўтдим.

— Шундай бўлса-да, лўндароқ қилиб айтсангиз: Ёшлар ташкилотлари қўмитаси қандай ташкилот деган саволларга нима деб жавоб бериш мумкин?

— Устав лойиҳасида бу саволга шундай изоҳ берилган: «Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси (ЁТҚ) Ўзбекистон ССР Конституцияси доирасида ва СССР эътироф этган халқаро шартномаларга мувофиқ иш кўрувчи жумҳурият ёшларининг ташкилотларини, уюшмаларини, ҳаракатларини бирлаштурувчи ижтимоий ёшлар ташкилоти бўлиб ҳисобланади».

— Ўзбекистон дунё эшикларини ўз қўллари билан қоқмоқчи бўлиб турганлиги ҳақида сўзладингиз. Айни ҳақиқат. Биз бу эшикни энди марказнинг ёрдамида эмас, ўз қўлимиз билан очмоғимиз керак. Бунинг учун, биринчи галда, хорижий тилларни билмоғимиз зарур. Яқинда бир соҳа бўйича ўн мутахассисни хорижга иш ўрганиш учун юборишмоқчи бўлишганида, бутун жумҳуриятдан инглиз тилини биладиган бор — йўғи икки кишигина топилибди. Бизда, умуман, тил ўрганиш ана шундай фожиали ҳолга ташлаб қўйилган. Қани, энди ЁТҚнинг муҳокама этилаётган Уставидан, «қўмита ёшларга хорижий тилларни ўргатишда ўз ҳиссасини қўшади», деган сатрлар жой олса...

— Ташвишингиз ҳам, таклифингиз ҳам жуда ўринли. Ўзбекистонимизда тил ўрганиш масаласини яшин тезлигида тўғриламасак, етилиб келаётган ёшларга жаҳон иқтисодиёти, ҳуқуқи, сиёсати бой тажрибалари эшигини очмасак, аҳволимиз юз йиллардан сўнг ҳам ўнгланмайди. Биз буни ҳисобга олганмиз ва режамизни амалга оширмоқ учун амалий ишга ҳам киришдик. Ўзбекистон комсомоли ва айрим жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тилни ўрганувчи қисқа муддатли курслар очиш арафасидамиз. Бунда асосий эътиборни инглиз, араб, рус ва ўзбек тилларига қаратяпмиз.

— Уларда биринчи навбатда кимлар ўқийди? Талабгорлар кўп-да. Бунинг устига, тил тез ва текин ўргатилса...

— Инглиз тили курсига биринчи галда бир гуруҳ, тахминан йигирма киши, ёш иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар таклиф этилса, араб тилига адабиётшунослардан жалб қилиш мумкин. Нега? Жумҳуриятимиз иқтисодиётини оёққа турғазиш биринчи галдаги вазифа эканлигини биламиз. Ўзбекистонимиз етук иқтисодчиларга келгусида ҳам эҳтиёж сезаверади. Юристларга эса инсон ҳуқуқи масалаларини ўрганишларида тил жуда қўл келади. Қонунларимизни мустаҳкамламасдан қандай қилиб адолатли ҳаётга қадам қўямиз. Араб тили бизнинг минг йиллик тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимиз билан боғлиқ. Ёшларда эса тарихни билишга қизиқиш кунба-кун ортиб бормоқда.

Раиснинг бу ажойиб таклифларини қўллаб-қувватлаш керак. Ҳозир жумҳуриятимизда тил ўрганиш борасида қуруқ сўздан нарига ўтилмаётган бир пайтда ЁТҚ амалга ошираждак ишларга эҳтиёж катта. Қани энди жумҳуриятимиздаги ҳар бир ташкилот тил муаммосига ана шундай — узоқни кўзлаб, амалий ёндашса! Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси ходимлари байналмилал жамоа. Уларнинг ҳаммаси бир неча тил биладилар. Энг эътиборга лойиғи — барча ходимлар ўзбек забон ҳамдир. Тан олмоқ керак, бу Ўзбекистоннинг юқори ташкилотларида жуда кам учрайдиган ҳодиса. Шундай бўлса-да, бу ташкилотда ҳам ҳали ҳамон кўпчилик ишлар рус тилида олиб борилади. Қўмита ёшларга яқинлашишни назарда тутган экан, ҳужжатларию машваратлари ҳам уларнинг тилига кўчмоғи керак.

Акмал Саидов билан суҳбатимизни шу ерда тўхтатайлик-да, яна мармар зиналарни бир-бир босиб, деворларга уста Маҳмуд Усмонов шогирдлари билан ганчдан ишлаган ранго-ранг нақшларни, айвонлардаги парқудек юмшоқ ором курсиларни томоша айлаб, бешинчи қаватга кўтарилайлик. Бу бинодагилар у ерни ўзаро «Камчатка» деб атайдилар. Илгари шунчаки том, айвон бўлган. Давр ўтиб, Марказқўм ходимлари сони ортавергач, хоналарга бўлинган ва иккита торгина ҳужраси ЁТҚ ходимларига раво кўрилган.

Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси деганда кабинетларда ўтириб маош оладиган ўнлаб кишиларни кўз олдингизга келтирган бўлсангиз керак. Асло ундай эмас. Қўмита деган бу жанговар ташкилотда бор-йўғи олти киши ишлайди. Навбатдаги суҳбатдошимиз — Андрей Кошкин.

— Андрей, сиз ЁТҚнинг тажрибали ходимларидансиз. Айтингчи? Нега шу пайтгача уни ҳеч ким билмади?

— Илгари бизнинг қўмита матбуотда деярли тилга олинмас, ҳужжатларининг кўпчилигига махфийлик тамғаси босилган эди. Сўнгги икки йил ичида у секин аста тилга олина бошлади. Хориждан қўмитамизни сўроқлаб келганлар ҳам, асосан ЛКСМ Марказқўмида қабул қилинарди. ЁТҚ тадбир ўтказса-да, Марказқўмнинг қилган иши қилиб кўрсатилар, қўмитамиз сояда қолиб кетарди...

Энди Андрей Кошкинни таништирай: у — раис ўринбосари. Бу ишга шу йил 15 январь куни таклиф этилган. Илгари қўмитанинг масъул котиби бўлиб ишларди. Ўзбек, рус, форс, инглиз, хитой тилларини билади. Ғайратли, тиришқоқ йигит. Ҳозир қўмитанинг умумий йиғилишига масала тайёрлаш билан банд. Йиғилишда муҳокама этилажак масала эса битта — қўмитани ислоҳ қилиш.

— Андрей, қўмита ўз Уставига, муҳрига, давлат хазинасида ҳисоб қоғозига — мустақилликка эга бўлади. Шундан кейин унинг ҳаёти қандай кечади, деб ўйлайсиз?

— Бошида иш жуда қийин бўлади. Муаммо, аввало, маблағ масаласидан бошланади. Дейлик, комсомол Марказқўми бизга биринчи йили эллик, борингки, юз минг сўм ёрдам берар. Кейин кунимизни ўзимиз кўришимизга тўғри келади.

— ЁТҚнинг бошқа аъзолари бадал тўламайдими?

— Тўлашади-ю, лекин қўмитамизга аъзо бўладиган ташкилотлар ҳам унчалик бой эмас-да.

— Ҳозир нечта аъзоларингиз бор?

— Қўмитамизга 22 ташкилот аъзо бўлиб кирган. Улардан шу пайтгача бирор сўм ҳам аъзолик бадали олмаганмиз. Марказқўмнинг ҳисобидан кун кўриб келаяпмиз.

— Қўмитанинг сарф-харажатлари комсомолларимизга қанчага тушаяпти?

— Тахминан 50 минг сўмга.

— ЁТҚ Уставининг лойиҳасида аъзолик бадаллари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бу масала эртага қандай ҳал этилади?

— Лойиҳада, ҳақиқатан ҳам, аъзолик бадаллари қандай белгиланиши аниқ кўрсатиб берилмаган. Аммо у аъзоларнинг иқтисодий аҳволига қараб белгиланиши керак, деб ўйлайман. Дейлик, Ўзбекистон ССР Бастакорлар уюшмасининг ёш композиторлар шўъбаси комсомол Марказқўми тўлаганчалик бадал бериши қийин. Шунинг учун Уставда аъзолиқ бадаллари миқдорини қўмита ҳайъати белгилайди, деб аниқ кўрсатилса яхши бўларди.

— Сиз комсомолда ҳам ишлагансиз. Кўпинча савол беришади: ЁТҚ билан ЛКСМнинг қандай фарқи бор? Сиз бунга нима деб жавоб берасиз?

— Комсомол — ижтимоий-сиёсий, ЁТҚ эса ижтимоий ташкилот. Комсомолда юқори ташкилотнинг қарорини қуйи ташкилотлар сўзсиз бажариши шарт, яъни демократик марказлаштириш принципи қарор топган. ЁТҚда бу масалада анча эркинлик бор. Тузилиш бобида ҳам катта фарқни кўрасиз. Комсомолда иш бошланғич, ноҳия, вилоят, жумҳурият, Бутуниттифоқ ташкилотлари тарзида «зинапоя» шаклида тузилган бўлса, бизда фақат жумҳурият қўмитаси мавжуд... Хуллас, бу икки ташкилотнинг ўзига хосликлари жуда кўп.

А. Кошкиннинг ўрнига масъул котибликка ўтказилган ва шу дамда ҳар хил қарор, маълумотнома ва бошқа ҳужжатларга «кўмилиб» ўтирган йигит — Қулман Очил. У 15 январгача «Ёш ленинчи» муҳарририниң ўринбосари сифатида ишлаб келаётган эди.

— Қўмита йил бошидан буён йигит-қизлардан, умуман, фуқаролардан қанча хат олди? — деб сўраймиз ундан.

— Битта! У ҳам қўшни жумҳуриятдан, бизга англашилмовчилик сабабли келиб қолган, шекилли.

— Бугун — янги йилнинг 45 куни. Шунча вақт ичида «Ёш ленинчи» редакцияси қанча хат олиши мумкин?

— 7,5 — 8 минг дона хат олади.

Даврон Ғуломов — референт, бошқача қилиб айтганда, мунший. ЁТҚнинг бир сўзли, қатъиятли, ишбилармон ходимларидан. Ташкилий ишлар бўйича масъул.

Дилфузахон Нурматова ҳам тажрибали комсомол ходимаси, мунший. Ҳозир Сочида экан. Мамлакатимизда таълим олаётган хорижий талабалар анжуманида, «ўзбекистонлик» йигит-қизларга бош бўлиб кетган.

Қўмитанинг меҳнаткаш ходимаси Уллижон Ибодуллаеванинг иштирокисиз бу ерда иш битиши қийин. У том маънодаги иш юритувчидир.

ОДАТДА, комсомол ва ЁТҚ ходимлари ҳақида гап кетса, улар ҳам партия ва совет раҳбарлари каби, ўзларига барча қулайликларни яратиб олишган, деб таъна қилишади. Махсус ошхона, махсус магазин, махсус шифохона ва ҳ. к. Мододмики, қўмита ҳаётини муфассал ёритмоққа аҳдланган эканмиз, унинг бу «сирли» томонларига ҳам назар ташламоғимиз ва имкониятимиз етганича акс эттирмоғимиз лозим. Аммо, аввалдан айтиб қўяйлик: бундай имтиёзлардан оддий комсомол ходимлари фойдаланмайдилар. Тўғри, ўтган йили партия, совет ходимлари каби, уларнинг маоши ҳам кескин ошди. Буни ҳамма билади. Уларга ҳафтасига бериладиган бир ярим-икки килограмм гўшт билан бироз колбасани эса қишлоқда бўлмаса-да, катта шаҳарлардаги барча корхона ва ташкилотларнинг хизматчилари олишади. Ошхонада — ўша шўрва, ўша ош, ўша газаклар, ўша макарон тўппа, ёғсиз колбаса... Овқатлар арзон, сифати «оддий» ошхоналардагидан яхши бўлиши мумкин. Аммо ходимлар кечани-кеча, кундузни кундуз демай, баъзан шанба-якшанбаларда ҳам ҳали бюро, ҳали пленум, ҳали семинар-кенгашларни деб ишлашларини ҳисобга олсак, юқоридагиларни имтиёз дегинг келмайди. Бозордаги қимматчиликни ўйласангиз, маошингизнинг 300-320 сўмга етганидан нима фойда. Бошланғич комсомол ташкилотларида ойликнинг ошмагани алоҳида масала албатта.

Бунинг устига, бу бинодаги раҳбарлар эрта-индин оддий ходимлар овқатланадиган хонада таом тановвул қилмоққа киришажакларини айтдилар. Уларнинг «хосхонаси»га компютер ўрнатилади...

Хуллас, қўмита, умуман, комсомол ўз ишини ана шундай, машаққат билан бўлса-да, қайта қуришга киришмоқда. Бу иш қандай якун топади, эртанги кун кўрсатади.

Бинодан чиққанимизда оқшом чўккан, ҳаво совуқ, ёмғир эзилиб ёғмоқда эди.

Озод ОҚИЛОВ.



Рўзномамизнинг Аму соҳиллари бўйича суратчаши Жумабой ҚОЗОҚОВ яқинда Хоразм вилояти тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. Корхонада 600 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилишади. Уларнинг аксарият қисми ҳам хотин-қизлар. Чеварларнинг режалари катта. Топшириқлар муттасил бажарилаяпти. Маошлари ҳам ёмон эмас. Аммо уларнинг меҳнат ва ижтимоий шарт-шароитларига келганда, бир нарса дейиш қийин. Қисқача айтганда, бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарли.

Сиз суратда кўриб турган бу қизлар шу бирлашмада меҳнат қилишади.

ЕР ЭГАСИНИ ТОПДИ

Балиқчи ноҳиясида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бутунлай ижарачилар ихтиёрига берилди. Ҳозир ноҳияда 9750 нафардан кўпроқ ижарачи бор.

— Ер ижарага берилгандагина у ўзининг ҳақиқий эгасини топади, — дейди ишонч билан ишчилар, деҳқонлар ва инженер-техник ходимлар вакиллари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчиси, Горький номли совхоз ижарачи коллективининг раҳбари Маҳмудали Қирғизов. — Юртдошларимизни бир мавсумнинг ўзидаёқ деҳқончиликда ижара қандай афзалликка эга эканлигига ишонтира олдик. Ўтган йили совхоз бизга 171 гектар ёмонроқ ерни ажратиб берган эди. Бу ерни 14 нафар ижарачига бўлиб бердик. Ўтган мавсумда коллектив пудрат усулида ишлаганимизда йўл қўйган хатоларимизни биргаликда таҳлил қилдик. Ҳар бир киши тўла мустақилликка эга бўлади, аввалгидек ҳеч қандай нотенгликка йўл қўйилмайди, деган қарорга келдик.

Деҳқонларга тўла мустақиллик берилди. Уларнинг ҳар бири тажрибасига суянган ҳолда ишлайдиган вақтларини, ўсимликларни парваришлаш йўлларини, ҳосилни йиғиб олиш усулларини белгилади. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Пахта экиладиган ҳар гектар ернинг унумдорлиги планга кўра 3 центнер кўпайиши керак эди. Лекин гектар бошига пахтадан қарийб 5 центнердан қўшимча ҳосил олинди. Баъзиларда ҳосилдорлик 40 центнердан ҳам ошиб кетди. Шундай қилиб, коллектив йил охирида қарийб 130 минг сўм соф фойда олди.

Ижара усулига қарши бўлган кишиларнинг рўкач қилаётган энг катта баҳоналаридан бирини бу ерда рад этишди. Ижара мухолифлари ижарачи оила аъзолари билан коллективдан ажраб қолади, деган фикрни айтишади. Бу коллективда эса ҳамма учун битта дала шийпони қуриб, уни жиҳозлаб олишди. Боғ, узумзор барпо этишди, сабзавот етиштира бошлашди. Қовун ва тарвуздан яхши ҳосил олинди. Ортиқчасини сотдилар ва барча деҳқонлар учун бепул иссиқ тушлик овқат ташкил этдилар.

Ижарачиларнинг паррандачилик фермаси ҳам бор. Ўтган йили 6 мингга яқин жўжани боқдилар ва 7,5 минг сўм фойда олдилар. Сув ҳавзалари ва ариқ бўйларида етиштирилган қовоқлар бозорда харидоргир бўлди. Ишлаб топилган пулга янги мавсумда зарур асбоб-ускуналар сотиб олишади.

Балиқчи ноҳиясида бундай коллективлар анчагина. Чунончи, ўтган йили бу ерда 15375 гектар ерга пахта экилганди. Ана шунинг 10720 гектарида ноҳиядаги ўн учта колхоз ва битта совхоз ижарачилари ишладилар. Улар бундай ишнинг афзаллигини тўла исботладилар. Январь ойида қолган ерлар ижарага тарқатилганлиги фикримизни исботлайди.

Қ. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

КОНИМЕХДА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ ДАРСЛАРИ

НУКУС педагогика билим юртининг тўрт нафар битирувчиси Бухоро вилоятининг Конимех ноҳиясида ишлашга йўлланма олди. Ёш ўқитувчилар М. Байлепесова, Т. Азбергенова, М. Дўсназарова ва М. Жонмуҳамедова бу ерда ташкил қилинаётган қорақалпоқ тилида ўқитиладиган синфларда дарс ўтадилар.

— Бошланғич синфлар ўқитувчиларига автоном республиканинг ўзида ҳам талаб катта, — дейди билим юрти директори М. Байлепесова. — Лекин биз конимехликларнинг илтимосини ерда қолдиролмадик, чунки у ерда анчагина қорақалпоқлар яшайди.

Бухоро вилоятидаги қорақалпоқларга она тилини ўргатишни ташкил қилишда мухтор жумҳурият Халқ таълими нозирлиги, «Қорақалпоғистон» нашриёти, ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва Нукус дорилфунуни ёрдам беради.

«АЪЛО» БАҲОГА БАЖАРИЛГАН ИШ

АНДИЖОН шаҳридаги 22-мактабнинг янги биносини қабул қилиш комиссияси 162-қурилиш бошқармаси қурувчиларига «аъло» баҳо қўйди.

Атиги бир йил ичида вилоят марказининг эски шаҳар қисмида уч қаватли янги бино қад кўтарди. Янги бинода иккита ёпиқ спорт зали, ошхона, мажлислар зали ва теплица бор. Мактаб 1296 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, у ерда 47та ўқув хонаси бор.

Бир «кўрсатув» тафсилоти

...Ҳаммаси яхши бошланди. Кайфиятлар аъло, кўнгиллар шод, барчанинг юраги ҳапқиради: ким голиб чиқаркан?

Соат 18.00. Тошкент Давлат дорилфунунининг Маданият саройи томошахонаси. Бу ерда жумҳурият ойнаи жаҳони ўтказиб келаётган «Қувноқлар ва зукколар» телекўригининг чоракфинали (чорак финал) ўтказилмоқда. Саҳнада Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг «Эҳдос» ва Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институтининг «Умид» командаси аъзолари. Бир-бирларини табриклашади. Самарқандликлар ҳазрат Навоий куллиётини, тошкентликлар Қодирий сиймосини совға сифатида бир-бирларига тақдим этишади. Қандай яхши. Ўзбекнинг икки буюк сиймоси саҳнада — «рақиб» томонлар кўринишида дўстона. Қарсак, олқишлар...

Кейин беллашув бошланади. Биринчи шарт бўйича самарқандликлар ўз рақибларидан 0,4 очко кўп тўплашди. Нима қиламиз — синашиш! Ким кучлиликни ҳакамлар ҳайъати, иккала томон ишқибозлари кўриб туришибди, тасвирлар ёзиб олинмоқда.

Иккинчи шартда, (у «Шикоят қилинг, текширамиз» деб аталарди) «Эҳдос»чилар ўзбек пахтакорининг аянчли аҳволини ҳаққоний кўрсатиб беришди, «Умид»чилар эса ҳозирги даврдаги яна бир огриқ муаммо — касалхоналарнинг аҳволини акс эттиришди. Бунинг устига танқид остига олинган саҳна кўрсатувининг аниқ манзили айтилди. Ҳакамлар баҳолари ҳам эълон қилинди. Яна қарсак, олқишлар. Ҳаммаси жуда зўр кетмоқда. Бу ёғи...

Учинчи шарт. Баҳснинг бошқарувчиси Соат Шарипов бу шарт учун баҳо қўйилмаслигини, фақат голиб томон мукофот олишини айтди. Худди шу учинчи шартдан кейин баҳсда қувноқлик, томонларда дўстона муносабат қолмади. Нимага? Кўзи боғланган ҳолда тўсиқлар оша эҳтиёт бўлиб юриши керак бўлган икки йигитнинг ҳаракатидан норозилик туғилди. Аниқроғи, самарқандлик йигит ҳаракатидан тошкентликлар норози бўлишди. Кўзи яхши боғланмаган, боғланган рўмол ишончли эмас... ва ҳакозолар. Узоқ тортишувдан сўнг баҳс ҳакамлари бу шартни тўхтатиб, ҳеч кимни голиб топмасликни маълум қилишди. Лекин, боя айтганимиздек, баҳснинг қувноқлиги ҳам, дўстона беллашув кайфияти ҳам аллақачон гойиб бўлганди.

Тўртинчи шарт: «Тўй ҳангомалари». Ҳақиқий ҳангома ана шундан кейин бошланди. Биз ҳакам эмасмиз, қолаверса, рақиб томонларни бир-бирларига гиж-гижлаш ниятимиз йўқ, демак бу саҳна кўрсатувининг қай томон маромига етказиб ижро этилганини ҳам баҳоламаймиз.

Шундай қилиб, баҳо эълон қилинди... ва ҳақиқий ҳангома бошланди. Дарвоқе, ҳали ҳакамлар баҳо миқдорини аниқлашаётганларида, Соат Шарипов саҳнага «Китобхон» жамияти аъзоси билан аёлни таклиф қилди. У томонларга совға тақдим этди ва шу ўринда самарқандликларга совға бераётиб, тасодифми ё тўсатдан «голиб томонга» деган иборани ишлатиб юборди. Ваҳоланки, оралари фарқ арзимас, ўтган шарт баҳоланмаган, олдинда команда дарғалари беллашуви турганди.

Баҳо эълон қилиниши билан «Умид» командаси норозилик билдириб, ўйинни давом қилдиришдан расман бош тортди. Тасвир камералари ўчирилиб, вазиятни енгиллаштириш, томонларни келиштириш бошланди.

Саҳнадаги микрофон «эркин микрофон»га айланди. Чиқиб, ҳар ким «ўз дардини айтиб йиглашга» тушди. Мана айрим парчалар: «Эҳдос»ликлар саҳнага ҳайвон олиб чиқишди. Ахир саҳна муқаддас даргоҳ! Унга ҳайвон олиб чиқиш...»

«Эътиборингиз учун яна йил кўрсатувида Марказий ойнаи жаҳонида саҳнага от олиб чиқишганди...»

«Мана сизлар, маданиятни тарғиб қиладиган даргоҳ бўлиб, рамзий тимсолни рус тилида ёзиб келибсизлар».

«Тўй ҳангомаси» саҳнасида «Эҳдос»ликлар ўтган гал биз намойиш этган қизиқарли ўринларни такрорлашди. Яъни, ўшанда биз ҳар бир кўринишдан олдин саҳнага йигитни чиқариб, занг урдиргандик. Худди ўша ўринни ўзлаштириб олишибди...

Бир-бировга гина аста-секин ҳакамлар ҳайъатига ишонмаслик, кейин эса кўрикни бошқарувчи Соат Шарипов фаолиятини муҳокама қилишга айланди. Уни «сотқин»ликда, бир томонга ён босишда айблашди. Ўзини бу фатвода таништирган йигит «олдинлар ҳам бунақа ноҳақликлар бўлган, бу ҳақда икки йилки кўрсатувлар редакциясига шикоят хати йўллаб, биронта жавоб олмаганмиз» деб эълон қилиб юборди. Тамом!

Энди томонларни келиштириш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Аммо кўрсатув мутасаддилари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари бирин-кетин «эркин микрофон»га келиб, панд-насиҳат ўқишга, вазиятни юмшатишга беҳуда уриндилар. Ақл аллақачон қочган, жаҳл салт от миниб, бостириб келиб бўлганди. Биз томошага қийқириқ, бақириш, пол тепиш, «Гирромлик», «Ҳақиқат қани?», «Соат йўқолсин!» деб ўт қалаётган кўп сонли ишқибозларнинг мароми ошиб кетган эҳтиросларини айтишдан чекланамиз.

Томошахона йўлакларига ички хизмат ходимлари тўплана бошлади. Етилиб келган вазиятда бошқа чора қолмаганди. Чунки, шахсий гиналар бир-бировга мушт ўқталиш, сўкинишга бориб етган, саҳнадаги келишишга бўлаётган уриниш — пастда ишқибозлар орасида ўз «қонуний якуни»га айланиб бўлган эди.

Бир соатлар давом этган «музокара»лар иш бермади. Томонлар «сулҳ»га рози бўлмадилар. Ҳакамлар ҳайъати жуда қийин аҳволда: натижани қайта кўриб деса, у томон шовқин солади, аввалгича қолдирилса бу томон. Кўрсатув мутасаддилари ҳам, ҳакамлар ҳам «пишиб етилган вазият»дан чиқишнинг биронта хавфсизроқ йўлини топишга ожизлик қилиб қолишди. Шунда комсомол ходими, ҳакамлар ҳайъати аъзоси дарғаларни беллашувга чорлади. Қайси томон белгиланган вақтда куч синашишга чиқмаса, кўрик якунланишини маълум қилди. «Умид» командаси дарғаси бир неча марта «токи адолат бўлмас экан, командаси ўйинни давом эттиришдан бош тортиши»ни айтди ва... сўзида турди.

Тўрт соат давом этган томошадаги томоша якунланди. Бошига бор ойғи бўлмаганди. Голиб тантанали эълон қилинмаган кўрик. Икки дўст томонни душманга, кўнгилочар ва зукколарни аламзадалар ва айбловчиларга айлантирган кўрик. Лекин, баҳс, мунозара яна анча давом қилди, томонлар осонликча тарқалмади, ҳатто, «сен-мен» энди норасмий тарзда, саҳна ортида бўлди.

Фикримизча, айб ҳаммамизда бор. Бошқарувчи ҳар бир шарт учун белгиланган вақтни айтди-ю, ижроси билан мутлақо қизиқмади. Қолаверса, аниқ вақт ўлчови билан ҳеч ким шуғулланмади, Соатга соат топилмади. Ҳакамлар бу борада огоҳлантирилмаганини айтишади. «Умид»ликлар кўпи билан етти-саккиз минут ажратилгани, рақибларига эса мўл вақт берилганини нолишади.

Ҳакамлар фикрича, бу ҳали ҳолва, бундан беш баттар кўрсатувлар бўлган. Ҳеч ким мағлуб бўлишни истамайди, яъни ўзининг камчилигини тан олмайди. Ҳамма вақт шу — яхшигина бошланган кўрик охири — жанжал, гинахонлик. Ҳакамларга сира осон тутиб бўлмайди.

Ички хизмат ходимлари фикрича, залда тартиб ўрнатишга ҳар иккала томонни катталари — олий ўқув юртлари ўқитувчилари жавобгар. Улар эса ўз бола-чақалари билан энг қулай ўринларга, биринчи қаторга жойлашиб олишади. Орқада нима бўлаяпти ишлари йўқ. Бунинг устига вазиятни қўлга олиш ўрнига, ўзлари янада ўтга ёғ қуйишади. Кейин биз бечоралар тартиб сақлашга, турли таъналар эшитишга мажбурмиз.

Томошабин — ҳамкасбим фикрича, ҳаммаси ўша саҳна кўрсатуви, яъни тўй ҳангомасида гўсфанд бечорани (қўй, демоқчи) судраб чиқишдан бошланди. Икки томонда ҳам ўзини тута билиш етишмади.

Муаллиф сифатида биринчи марта дуч келган бу «кўрик-жанжал» борасида ҳозирча якуний фикр айтишга шошилмаймиз. Якунланмаган кўрсатув нима бўлади, аниқ тасаввуримиз йўқ. Балки, у шу ҳолича ойнаи жаҳонда намойиш қилинар. Қайсидир томон голиб сифатида кейинги ярим хотима мусобақаларида иштирок этар, ишқибозлик чўзилгандан-чўзилар. Билмаймиз. Балки, яна шу кўрсатувни бор-бўйича, бутун камчиликлари, эътирозу, гинахонликлари билан кўрсатган маъқулдир. Шунда кўп сонли томошабинлар ким ҳақлигини ўзлари билиб олишади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Қувноқлар баҳси



«ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР» ТУРКУМИДАН

Равшан елдик учиб бораётган «Жигули»сининг тормозини оҳиста босиб, ўзларининг кўчасига бурилди. Аввал ўнгга, сўнг чапга қайрилди ва... дарвоза олдидаги тахта ўриндиқ ёнида беҳуш думалаб ётган қизчани кўриб бадани увишиб кетди. Беихтиёр тўхтаб машинадан чиқди, қизчанинг тепасига борди. Йўқ, ухламаган, пешонасидан қон силқияпти!

Равшан қизчани даст кўтариб, дарвозанинг эшигини оёғи билан тепди-да, ичкари кирди. У, гарчи маҳалласи бўлса-да, бу уйда ким туришини билмасди.

— Ким бор? — деди бостирма тагида бир нафас тўхтаб. Ҳаяжондан оғзи қуриб, овози юлиниб чиқди. Ҳеч ким эшитмади чоғи, яна чақирди:

— Амаке-э!

Ҳовлининг этагидаги оғилхонадан чиққан аёл буларни кўриб бир сония тўхтади, қўлидаги бўш тоғора асфальт йўлкага «тақ» этиб тушди. «Вой!» деганича уларга томон югурди: — Қизим, нима бўлди, қизимга нима бўлди, а?!

Аёл ўзини билар-билмас даражада қизини қўлига олди: — Нилу, Нилу, қизим кўзингни оч, нима бўлди? Шу топда у қизининг пешонасидан орқага сирқиб қўнғироқ сочларининг орасига сингиган қонга кўзи тушди-ю, данам қовурғалари синганми — дея қизалоғини сийпай бошлади.

Равшан энди қўрқиб кетди...

Савол-жавоб тугаб, қизчани ёткизишгач, «уй очиқ-сочиқ қолувди, бирров бориб-келаман» деган аёлни бирга олиб қайтди. Келгунларича Равшанда бояги совуқ ҳадик йўқолган, аёл ҳам ундан шубҳаланмаётган эди. Шундай бўлса-да, аёл дарвоза олдида машинадан тушаётганида ўзи ҳам чиқди-да, «опа, тағин кўнглингизга келмасин, мана, машинамнинг орқа-ўнгини бир қаранг, тирналган-урилган жойлари йўқ», — деди ўзи машинанинг олд томонига ўтиб.

— Вой укам, дўхтир билмай гапирди-да, — деди аёл миннатдор бўлиб, — яхшиям сиз келиб қолгансиз, бўлмаса болам шўрлик яна қанча ётарди. Соғ қолди-ю, ўлиб қолдими деб юрагим чиқиб кетди. Қайси ер ютгур уриб шу аҳволда ташлаб кетдийкин? Маҳаллада нима кўп, машина кўп.

Аёл савол назари билан Равшанга қаради, Равшан бунга жавобни ўйлаб ўзи ҳам тополмаётган эди, елка қисиб қўяқолди...

Эртаси кунигача маҳаллада бу воқеа тўғрисида эшитмаган хонадон қолмади.

Бир ҳафта ўтгач, қўшнилари Ҳасан аканинг ўғли Аҳадни милицияга чақиришаётгани Равшаннинг қулоғига чалинди-ю, воқеа содир бўлган куни Аҳад ўзи ҳайдайдиган машинасини кўчада ювайётгани кўз олдига келди. Аҳад бу машинада деярли ҳар куни тушликка уйга келар, шунинг учунми, ўша куни Равшанда ҳеч қандай шубҳа уйғонмаган эди. Ҳозир мулоҳаза қилиб қараса, Аҳад пешинда машинасини ювганини илгари сира кўрмаган экан. Бунинг устига, ўша кундан бери юк машина уларнинг эшиги олдида кўрингани йўқ. «Вой Аҳад-е, шунақа лўттивоз бола эканми. Индамайгина юрарди. Кимни кўрса қўли кўксида, саломини канда қилмайди. Лўттивозми ёки... қўрқоқми? Бу — қўрқоқликкина эмас, виждонсизлик ҳам-ку! Маънавий қашшоқлик! Аҳад, Аҳад...»

Равшан қўшни бўлишларига қарамай, ўзидан беш-олти ёш кичик бу йигитни яхши билмас экан. Равшан инженер, у шофер, ёшларида ҳам тафовут бор, ўрталарида бир-бирига тортадиган умумий ҳеч нима йўқ. Лекин, Аҳад ҳақида ёмон гап ҳам эшитмаган. Аксинча, меҳнаткаш, топганини уйга ташийди, бўладиган бола деган мақтовлар қулоғига чалинган. Отаси ҳам шундай — оилапарвар. Оддий деҳқон бўлса-да, ишнинг кўзини билади: томорқасидан, гектарчиликдан чиққан мева-сабзавотларни олисроқларга олиб бориб сотиб юради. Ўзига тўқ.

«Буёғи қандоқ бўлди энди, яқиндагина уйланган эди-я...»

Равшан ачинди. Ачинди-ю, сўнг нафрати қўзиди: «Йигит кишининг иши эмас-ку бу, шунақаям пасткаш бўладими!»

...Равшанга ноҳия ички ишлар бўлимидан чақириқ қоғози келди.

— Сиз 26 июнь куни қаерда эдингиз? — деб савол берди ёши ўзи тенги, жиккаккина йигит ишчанлик билан. Энди стулга ўтираётган Равшан гапнинг бунақа оҳангидан ўтирарини ҳам, ўтирмасини ҳам билмай беихтиёр қаддини ростлади.

— Ўтираверинг, ўтираверинг, — деди қаршисидаги ўзини терговчи деб таништирган йигит ёш болага муомала қилгандек ўнг кафти билан пастга еллиб.

Равшан ўтирди. Жавоб беришга шошмади. У 26 июнни яхши эсларди. Аввал бирдан чўчиган бўлса, энди жаҳли чиқа бошлади. Ана шу жаҳлини босишга ҳаракат қилиб бир нафас жавоб бермади.

— Намунча ўйлаб қолдингиз, — деди терговчи овозини яна бир баҳя кўтариб, — барибир биламиз, тўғрисини айтаверинг, қанча рост гапирсангиз шунча ўзизга енгил бўлади!

Йўқ, Равшан жаҳлини босолмади:

— Агар ҳукумат фақат сизнинг қўлингизда бўлса ҳам, ўпкангизни босволинг! Одамларни ҳақорат қилишга ҳуқуқ берилмаган сизга. Туҳмат қилишга ҳам!

Терговчи бунақа муомалани кутмаган эди. Барибир, довдирамади. «Агар юқоридаги саволлари самимий бўлганида довдираши керак эди. Самимий эмас. Демак, олдиндан ўйлаб қилинаётган иш. Шундай экан, бу палиднинг қўлидан ҳар бало келади. Ўзимни тутсам бўларкан. Қонун ҳозирча шунинг қўлида-да: мени жинни деб айбнома ёзса, жинниамаслигимни исбот қилгунимча жинни бўлиб тураверaман. Қотил деб ёзса — қотил. Равшан буларни ўйлаб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Терговчи терни ҳам, ранги оқарганини ҳам, айни пайтда «шаштидан тушгани»ни ҳам кўрди.

— Мен буни осмондан олиб гапираётганим йўқ: болани сиз касалхонага олиб боргансиз, у ерда машинангизнинг номери ёзилган, фамилиянгиз ёзилган.

— Бу — мен урганман деган гапми?

— Ҳозирча шунақа.

— Нега унда дарров мени терговга чақирмай, Аҳадни чақирдинглар?

— Боланинг онаси бизни чалғитди — Равшан босмаган, деди.

— Ростини айтибди-ку!

— Қандай исботлайсиз? Гувоҳингиз борми? Йўқ. Сиз ишни пишиқ қилиб, боланинг ота-онасини қўлга олгансиз! Биз ҳам... лаққа тушиб ўтирибмиз.

Равшан яна ўзини мажолсиз сеза бошлади, юрак уриши тезлашди, бир неча дақиқа деразага тикилганча жим қолди.

— Яна қайтараман, ўртоқ... терговчи, сиз менга туҳмат қиляпсиз.

— Нима билан исботлайсиз?

— Исботлаш бу сизларнинг касбингиз. Менга ҳеч нимани исботлашга зарурат йўқ.

— Яхши. Биз исботлаймиз. Сиз қизчани уриб юборганингизни кўрган гувоҳлар бор.

«Нималар бўляпти ўзи. Мен қизишганим сайин бу чуқурлаштиряпти-ку. Нега қизишяпман?.. Нега қизишмай: бақрайиб туриб туҳмат қилса?»

— Ким гувоҳ... Аҳадми?

— Нега Аҳадлаб қолдингиз. Унинг айби исботланмади.

Равшан яна ўйланди. У, тунов куни, Аҳад машинасини қайтадан уйга миниб кела бошлагач, илгари унча эски бўлмаган машинанинг янгитдан бўялганини кўриб ҳайрон бўлган ва қизчани урган шу эканига энди тўлиқ ишонган эди. Бироқ, кўздай қўшни, на Аҳаднинг ўзидан, на ўзининг уйидагилардан бу кўнгилсиз ҳодиса ҳақида инжиқлаб сўрамади. Ҳозир...

— Айби йўқ бўлса, нега яп-янги машинани бир ҳафтада бўяб олди?

— Буни ўзидан сўрайсиз, — деди терговчи овоз оҳангини билинар-билинмас пасайтириб ва тикилиб турган кўзлардан беихтиёр нигоҳини олиб деразага қаради, бепарво тарзда қўшиб қўйди: — биз давлатнинг ҳар битта машинаси қачон эскириб, қачон бўялишини назорат қилмаймиз.

— У «ҳар битта» машина эмас, айнан сизлар қизиқаётган машина-ку?

— Кечирасиз, оғайни, бу ерда сиз эмас, мен терговчиман. Мен сизнинг саволларингизга эмас, сиз менинг саволларимга жавоб беринг. Бўйнингизга оласизми, йўқми?

— Бўйнимга оладиган ҳеч нима йўқ.

Энди мен сизга айбсизлигимни исботлашга ҳам уринмайман. Бефойда экан, тушундим.

— Нимани тушундингиз?

— Ҳаммасини!

— Эртароқ ақллилик қиляпсиз. Бўпти, мана бу протоколни ўқиб, қўл қўйинг.

Равшан тепасига йирик босма ҳарфда «Сўроқ протоколи» деб ёзилган варақдаги савол-жавобларни ўқиб чиқди.

— Ҳаммаси ёзилмаган-ку бу ерда?

— Шошилманг, ёзилади. Шу ёзилганларнинг ўзи тўғрими?

— Тўғри.

— Унда имзо қўйинг. Равшан тезгина имзо қўйиб узатди. Терговчи бошқа кичкина варақни суриб қўйди: — бунга ҳам имзо қўйинг, Тошкентдан ҳеч қаёққа кетмаслигингиз тўғрисида тилхат.

Равшан унга бир ўқрайди. Энди у терговчи эмас, бозордаги субутсиз чайқовчига ўхшаб кўриниб, тез-

(Давоми тўртинчи бетда).

— Вой умриздан барака топинг-е, — деди аёл машинага ўтираётиб...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

Хорижидан хабарлар



ВАРНА. Бу ерда яқинда «Орбис» деб номланган Америка ҳаво касалхонаси бўлди. Бу — маркази Нью-Йоркда жойлашган, сайёр кўз клиникасидир. У турли мамлакатлар шифокорларидан ташкил топган бўлиб, дунё бўйлаб сафарда юради. Самолётда кунига бештагача операция амалга оширилади.

Америклик шифокорларнинг бу тадбири халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

СУРАТДА: операциядан сўнг.

БТА — ТАСС сурати.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ **ВАШИНГТОН.** АҚШ президенти Жорж Буш расмий амалий ташриф билан АҚШга келган Чехословакия президенти Вацлав Гавел билан Оқ уйда учрашди.

«Чехословакия ва бутун Европа янги давр бўсағасида турибди, — деди учрашув тугаганидан сўнг президент Буш. — Ушбу буюк ва тарихий пайтда Европадаги барқарорлик ва хавфсизликка кафолат бўлишда Атлантика уюшмаси ҳаётий муҳим роль ўйнайди, деб Ғарб мамлакатларининг барча раҳбарлари номидан гапира олишимни биламан. Америка ҳам, жумладан, ўз хавфсизлигимизни ва Европа хавфсизлигини кўзлаб у ерда қудратли ҳарбий кучларни сақлаб туриш ёрдамида ўз вазифасини бажараверади».

Буш шу куни Чехословакияга нисбатан Жексон — Вэник тузатишининг амал қилишини бекор қилиш ҳақида конгрессни хабардор қилувчи мактубни имзолаганини айтди. «Чехословакияда нималар бўлганлигини тушунтириб бериш учун, ўз нуқтаи назаримизни, сиёсатимизни тушунтириб бериш учун бу ерга келиш имкониятига эга бўлганимдан жуда хурсандман», — деди В. Гавел.

⊙ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон Бош министри Вишванахт Пратап Сингх Покистон ядро қуролини яратиш бўсағасида тургани тўғрисидаги хабардан жиддий ташвиш билдирди. «Покистоннинг ядродор давлатга айланиши регионадаги вазиятга катта таъсир қилади», — деди Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи кеча Гужарат штатидаги Раджкот шаҳрида журналистлар олдида сўзга чиқиб. Агар Покистон ядро қуролини яратса, биз вазиятни ўрганиб, шу вазиятга мувофиқ ҳаракат қилишимизга тўғри келади, деди у.

Шарҳчи минбари

«Қузғунлар» можаросининг боиси нимада?

«Искандар Зулқарнайн — қаҳрамонликка қаҳрамон-а, лекин стулларни синдириш шартми?» Н. В. Гоголь ўлмас асаридаги машҳур персонажнинг бу саволини Исроилдаги ўнг партиялар «Ликуд блоки» Марказий Комитети мажлиси қатнашчиларига бериш ўринли бўлур эди, бу мажлис 1986 йили Тель-Авивда бўлган эди. Ўша кезда Исроилдаги ўнг кучлар маданиятли жамиятда қабул қилинган барча таомиллардан юз ўгириб, қўлларига тушиб қолган мебелни ишга солишди. Шундай қилиб, улар ўз далил-исботларининг мағзини нечоғлик тўқлигини ҳам, айни вақтда муҳолифлар бош суягининг нечоғлик мустаҳкамлигини ҳам синаб кўришмоқчи бўлишди. Ўтган якшанба куни яна эҳтирослар жўш уриб кетиб, шунга ўхшаш воқеа содир бўлди, бу гал «Ликуд»нинг Марказий Комитети блок раҳбари Исҳақ Шамирга ишонч билдириш ёки билдирмаслик масаласини муҳокама қилишга тўпланган эди, маълумки Шамир мамлакатнинг бош министридир.

Шамир Исроил босиб олган территорияларда сайлов муаммоси хусусида фаластинликлар билан эҳтимол тутилган музокаралар хусусида гап очганидан кейин, ишонч тўғрисидаги масалани овозга қўймоқчи бўлди. Аммо Шамир ўзини қўллаб-қувватлаб кўтарилган қўлларни санаб улгурмасиданоқ, бош министрнинг асосий сиёсий муҳолифи бўлган савдо ва саноат министри Ариел Шарон фаластинликлар қўзғолонини куч билан бостириш хусусидаги ўз йўлини айни шу вақтда овозга қўйишни таклиф қилиб қолди ва оқибатда мажлис охирига етмади.

1986 йилдаги ҳамманинг эсида қолган ур-тўполондан кейин эҳтиёткорлик қилишиб, залдаги стулларни узун ўриндиқлар билан алмаштиришган эди, шунинг учун ҳам бу гал тўс-тўполон чиқмади ва мебелга ҳам шикаст етмади. Икки муҳолиф лагерь ўз ғалабасини байрам қилиб, залда ғала-ғовур кўтарилгани туфайли сиёсий кузатувчилар Шамирга узил-кесил ишонч билдирилганлигига бир қадар шубҳа билан қарамоқдалар. Ана шу шубҳалар бир қадар «бости-бости» бўлганидан кейин ҳафсаласи пир бўлган Арик (Шаронни Исроилда шундай деб ҳам аташади) истеъфога чиқишини эълон қилди ҳамда Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақаси устидан Исроил назоратини абадийлаштириш учун курашаман, деди.

Энди бир ўринли савол берсак бўлади: Шаронга ва унинг тарафдорларига бош министр нутқидаги қайси гаплар ёқмади ва «Ликуд»даги «қузғунлар» нега эди. Шамирга ҳамла қилиб қолишди, ахир Шамир Шамирда, уни Исроилнинг «кабутарлари» қаторига қўшиб бўлмайди-ку!

Нуфузли «Гаарец» газетаси армия командирларининг исроиллик резервдаги аскарлар билан ғайри инсоний муомалада бўлаётгани хусусида ҳикоя қилиб берди, ўша резервдаги аскарлар маҳаллий қонунларга кўра ҳар йили маълум муддат хизмат ўташга чақирилади. Фақат сўнгги ярим йил ичидагина 30 га яқин аскар ўз жонига қасд қилди, чунки армия муҳитидаги шафқатсизлик ва зўравонлик бу йигитларни жонидан тўйдирган эди.

Мамлакатга тобора кўп муҳожирлар келаётгани ҳам Исроилнинг ва бутун Яқин Шарқ регионининг сиёсий ҳаётида муайян беқарорликни вужудга келтирмоқда, Исроилнинг айрим раҳбарлари бундан ўз сиёсий манфаатлари йўлида фойдаланишлари ҳам мумкин. Чунончи, бош министр Шамир бу ҳолни «буюк Исроил»ни бунёд этиш тўғрисидаги ғояни мустаҳкамлаш учун айни муддао деб билди.

Яқин Шарқ, шу жумладан, Исроил халқлари ҳам узоқ вақтдан бери давом этаётган Араб Исроил можаросидан чарчадилар. Бу можаро 40 йилдан кўпроқ вақтдан бери жаҳонни беҳаловат қилиб турибди. Фаластин Озодлик ташкилоти реализм йўлига ўтиб, ўз олдига қўйилган барча шартларни бажарган бир вақтда, Исроил раҳбариятидан тўс-тўполон чиқарилиб, шов-шувга сабаб бўладиган мажлислар эмас, балки муаммога фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини ҳисобга олиб, вазминлик билан ёндашув зарур.

Виктор ЛИСЕЧКО.
(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«КАЙФИЯТ БАРОМЕТРИ»

● СИЗ БУГУН бир марта бўлса ҳам кулдингизми? Ғарбий Германия социологик институтининг жамоатчилик фикрини билиш учун тарқатган юқоридаги анкета саволига жавоб берган кишиларнинг 89 фоизи «ҳа» деб айтишди. «Кайфият барометри» номи билан машҳур бўлган анъанавий савол-жавобдан маълум бўлдики, ГФРда кейинги ўн йилда катта ёшдаги кишилар ўртасида хушчақчақлик 12 фоизга кўпайган. Ҳисоб-китобларга кўра, «кулувчи кишиларнинг» кўпчилиги мамлакатнинг Бавария ҳамда Бадан-Вюртемберг музофотларида яшар эканлар. Бавария эса «Кайфият барометрида» карвонбошилик қилмоқда — 91 фоиз! Хуллас, ГФРни кулгисевар давлат дейиш мумкин. Савол-жавобдан сўнг машҳур қизиқчи, ойнаи жаҳон ҳажвий программалари бошловчиси Отто Валкес мамлакатдаги энг қувноқ киши деб тан олинди.

ТОВУҚДАН ЧИҚҚАН ОЛТИН

● ЯҚИНДА Ҳиндистоннинг Итанагар шаҳрида ғаройиб воқеа юз берди. Банк амалдорларидан бири бозордан харид қилган товуғи ошқозонидан оғирлиги 7 грамм келадиган соф олтин чиқди. Катта шов-шувга айланган бу воқеа икки оқибатга олиб келди. Биринчидан, тирик товуқлар маҳаллий бозорда энг камёб молга айланди. Иккинчидан, баъзи бир «ишбилармон кишилар» товуқнинг олдинги эгасини қидиришга тушдилар. Бошқача қилиб айтганда товуқ соф олтинни қаердан ютган бўлиши мумкин?

ТИШМИ ЁКИ ҚЎЗИҚОРИН!

● ЖАНУБИЙ АРАБ жумҳуриятилик саккиз яшар Чарлин Стивенсоннинг сут тишларидан бири чап томонидан йиринглай бошлаган эди. Уни ота-боболардан қолган усул — ип билан суғириб ташлашди. Орадан бир йил ўтгач, ўша тиш ўрнида янгиси пайдо бўлди, милки эса қаттиқ яллиғланиб кетди. Рентген ёрдамида олинган суратда у ерда бутун бошли иккита тиш «яшириниб» ётгани маълум бўлди. Тиш доктори милкни ёриб иккала тишчани ҳам олиб ташлади. Икки кундан сўнг ота-оналари қизчани яна текширишга олиб келишди. Операцияни яна такрорлашга тўғри келди. Бу гал доктор 15 та тишни қўпориб олди. Тишларининг ҳаммаси ўзининг алоҳида илдизига эга эди. Докторнинг таъкидлашича, 21 йиллик фаолияти давомида бундай аҳволни кўрмаган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Шокир Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига



Оташқалб ижодкор

Йигирманчи ва ўттизинчи йиллардаги эндигина шаклланиб келаётган ўзбек совет адабиётини шоир, прозаик ва адабиётшунос Шокир Сулаймонов ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Ш. Сулаймон прозаик сифатида ўзбек халқининг босмачиларга, маҳаллий руҳонийларга қарши машаққатли курашини ўз ҳикояларида маҳорат билан тасвирлади, шоир сифатида оташин шеърлар ёзди. Ўзбекистонда чиқа бошлаган «Иштирокиюн», «Коммунист», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Фарғона», «Қизил Ўзбекистон» сингари газеталарни ҳамда «Билим ўчоғи», «Маориф ва ўқитувчи», «Аланга», «Ер юзи», «Гулистон» журналларини кўздан кечирар экансиз, унинг адабиётшунос сифатида ўзбек совет адабиёти олдида турган муҳим вазифалар ҳақида ўнлаб мақолалари эълон қилинганлигининг гувоҳи бўласиз.

Шокир Сулаймон 1900 йили 24 февралда Қўқон шаҳрида боғбон-деҳқон оиласида дунёга келди. Бошланғич мактабни Қўқонда битириб, маълумотини ошириш учун Оренбургга бориб, икки йил таҳсил кўрди. У ердан қайтгач, совет мактабларида ўқитувчилик қила бошлади. Унинг илк ижоди ана шу муаллимлик қилиб юрган пайтларига тўғри келади. В. Маяковский, Д. Бедний сингари пролетар шоирларнинг асарларини зўр қизиқиш билан ўқиб, айримларини ўзбек тилига таржима қилди. Шу йиллар мобайнида шоирнинг «Чандон», «Яша, жаҳон Октябри», «Ғалаба марши», «Қул», «Қизлар бахти», «Доғли йўқотиш», «Учқун», «Қўллари кўкларга» каби шеърлари майдонга келиб, ўқувчилар қалбига етиб борди. 1930—1935 йиллар мобайнида Ш. Сулаймоннинг «Янги сарой», «Давр ҳайқириғи», «Оқ негр», «Ўтларни эслаганда» сингари кўпгина достонлари нашр қилинди.

Шокир Сулаймон бир қанча прозаик асарларнинг ҳам авторидир. У асосан 1930 йиллардан бошлаб прозада қалам тебрата бошлади. Унинг кўпчилик ҳикояларидаги қаҳрамонлар ҳалок бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Қишлоқ ва шаҳарлардаги қулоқларни, босмачи галаларни тугатиш, ўзбек хотин-қизларининг паранжи балосидан қутқариш ўз-ўзидан амалга ошмади. Бунинг учун юзлаб Ҳадича ва Гулжамоллар («Лолалар очилганда»), Фотима («Фотима Сидиқова»), Шафатойлар («Шафатой»), кўплаб Гулбодомлар («Ўлим қудуғи») жонларини фидо қилишган.

Ёзувчи ўз кўзи билан кўрган, гувоҳи бўлган воқеалар асосида қалам тебратади. Шунинг учун ҳам унинг «Профессор уйланди», «Қотил», «Душманлар», «Сирли ўчоқ» каби ҳикояларидаги образлар анча тўлақонли чиққан. Ўзининг ҳаётийлиги ва самимийлиги билан бошқа ҳикоялардан ажралиб туради: Уларда аксилинқилобчиларнинг чиркин башараси маҳорат билан очиб ташланади, ўша муҳитга хос муҳим проблемалар кўтариб чиқилади.

Шокир Сулаймон Москвадан қайтиб келгандан кейин 1927 йилдан бошлаб «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи» журналларида масъул котиб ва адабий муҳаррир бўлиб ишлади. 1931 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат илмий-текшириш институтида илмий ходим лавозимида ишлади, айни вақтда Ўзбекистон Давлат университетида адабиётдан дарс берди.

У қаерда, қандай вазифада ишламасин, ёзувчилик қаламини қўлдан қўймади. Натижада 1930 йилда «Ғалаба марши», «Яма ва Хама», 1932 йилда «Икки йўл», 1933 йилда «Ўлим босмачига», 1935 йилда «Ўтганларни эслаганда», «Шаҳар кўчаларида», «Оқ негр достони», 1934 йилда «Бизда ҳам уларда», «Фориуза отаси», «Гул асал», 1938 йилда «Сургун Сайфи», 1940 йилда «Қаҳрамонлар ҳикояси» каби 40 га яқин шеър ва ҳикоялар тўплами, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун ёзилган дарсликлари босилиб чиқади.

Афсуски, қатағон йиллари Ш. Сулаймонни ҳам четлаб ўтмади. 1941 йили у «халқ душмани» сифатида қамоққа олинди ва дом-дараксиз йўқолди. Умр йўлдоши 3 нафар ёш боласи бор ва тўртинчи фарзандга ҳомиладор Зайнаб Мирсалимовадан 48 соат ичида Тошкентдан чиқиб кетиш талаб қилинди. Фақат 1957 йилдагина Ш. Сулаймон оқлангандан кейин унга Тошкентга қайтишга рухсат берилди ва жумҳурият ёзувчилар уюшмасидан алоҳида уй ажратилди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи З. Мирсалимова ҳозир пенсияда, икки ўғил, икки қизни тарбиялаб зиёлилар сафига қўшди.

Бироқ, қатағон йилларнинг қурбони Шокир Сулаймоннинг адабий мероси ҳали чуқур ўрганилмаган. Унинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида ҳам ҳеч ким бош қотирмаяпти. Ўйлаймизки, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бу борада ўз фикрини айтади ва тегишли ташкилотлар Ш. Сулаймон асарларини қайта чоп этиш, унинг хотирасини абадийлаштириш учун чора тадбирлар белгилайдилар.

Нозир ҚОДИРОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.



Қариялар янги инсон дунёга келганлигини эшитса, фотиҳага қўл очишади: Илоё умри билан берган бўлсин. Болапарвар ўзбекнинг ҳар бирининг кўнглидаги гап, тилак бу. Биз ҳам суратдаги уч жажжи дунёсини қучоқлаб турган Манзурахон Қаюмовага ана шу тилакни билдирамиз.

Эгизакларнинг волидаси «Уйчи» жамоа хўжалигидаги болалар боғчасида ишлайди. Табиат инъом этган бундай мурувватдан сўнг оилада фарзандлар беш нафар бўлди.

Сурат муаллифи А. ЮСУФБОЕВ.

Наманган вилояти, Уйчи ноҳияси.

Ҳарбий журналистларга гуллар

Тошкент Абразив комбинатига қарашли 73-болалар боғчаси тарбияланувчилари Львов Олий ҳарбий-сиёсий билим юрти курсантларига гуллар ҳамда ўзлари ясаган буюмлардан совғалар, куй ва қўшиқлар ҳадя этдилар.

Украиналик бўлажак ҳарбий журналистларнинг болалар ҳузурига ташрифи бежиз эмас эди. Улар Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг «Фрунзевец» рўзномасида тажриба оширишаётган эдилар.

— Бугунги «Эрталик» Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти байрамининг 72 йиллигига бағишланди, — дейди боғча мудираси Ангелина Аркадьевна Дудля. — Уни тайёрлашда тайёрлов группаси тарбиячиси Т. А. Шибакина ва музика раҳбари Н. И. Прикупецларнинг хизмати катта бўлди. Бизда бундай учрашув ва кечаларни ўтказиш одат тусига айланган. Зеро, болалардаги Ватанга садоқат, эл-юртга муҳаббат, байналмилаллик дунёқарашларини шакллантиришни мактабгача ёшидан бошламоқ керак.

Е. МОСИНА.

«Мураббий»

(Ҳажвия)

Мажлис аҳли цех қошидаги ҳушёрлик жамиятига ўртоқ Горин бошчилик қилсин, деган қарорга келди. Егор Горининг 30 йил яшаб, ичкилик ичиш у ёқда турсин, ҳатто уни ҳидлаб ҳам кўрмаганлигини ҳамма биларди.

Мажлис аҳли қарор қабул қилдими, бас, уни бажариш шарт. Йиғилишда жамоатчи Куксина қўл кўтариб сўз сўради.

— Ўртоқлар, агар бир оз аниқлик киритсак, рисоладагидек бўларди. Гап шундаки, Егор биринчи навбатда ичкиликбозликка қарши аёвсиз ўт очсин.

Шундай қилиб, жамоатчи Куксинанинг таклифи билан Егор Горин ичувчиларга қарши кураш бошлади. Мажлис қатнашувчилари ишни биринчи навбатда ашаддий пиёниста Рижиковдан бошлаш керак, деб маслаҳат бердилар. Эртасига Горин Рижиковни цехга бошлаб кирди. Сўнгра намуна кўрсатиш мақсадида, танаффусга ҳам чиқмай ишлай бошлади. Рижиков қаерга борса, Горин ўша ерда ҳозир бўларди. Бу ҳол бир ҳафтагача давом этди. Душанба куни ниҳоят Рижиковнинг тоқати тоқ бўлди.

— Кеча жуда кўпайиб кетибди, бошим ёрилай деяпти. Бироз отиб юбормаймизми?

— Нима дединг?

— Э... қўй-э, сен мени тушунармидинг, — деди Рижиков Егорнинг кўкрагига нуқиб.

— Врач чақирайми? — деди Горин қатъиятсизлик билан.

— Э... хом калла, врачни бошимга урамanми?... Менга 100 грамм керак. Сен бош оғриғи нималигини билармидинг?

Бу гап Горининг иззат-нафсига тегиб кетди.

— Нега билмас эканман?! Хўш, сенингча нима қилишим керак?

Рижиков қўл силтади.

— Сенга гапирганим билан барибир фойдаси йўқ. Айтганимни қилмайсан.

— Қиламан! Қани, нима қилишим керак? — деди Горин бўш келмай.

— Мен қанча ичсам шунча ичасан. Ана шунда ҳаммасини тушунасан!

— Бўпти, — деди Горин қизишиб.

Иш тугагач, Егор Рижиковнинг рўпарасига ўтириб оқидан пешма-пеш ича бошлади. Ҳамма нарса адолат юзасидан бўлиши учун у Рижиков кеча қанча ичган бўлса, шунча ичишга қарор қилди.

Эртасига эрталаб соқол-мўйлови топ-тоза қирилган Рижиков завод эшиги ёнида Горинни кутиб олди. Егор гарчи бир оз кечикиб келса-да, ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қиларди.

— Ҳечқиси йўқ, Рижиков, яшаса бўлади. Сенинг эса, ироданг ниҳоятда бўш экан.

— Зарари йўқ, биринчи маротаба ичишинг. Ўзинг биласан, мен доим ичаман. Шу сабабли мени икки дунёда ҳам тушунмайсан.

Бу гап Горининг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Ҳечқиси йўқ. Қанча ичиш зарур бўлса, шунча ичаман. Аммо сени барибир тушуниб оламан.

Орадан икки кун ўтди. Навбатдаги мажлислардан бирида жамоатчи Куксина қўл кўтариб сўз сўради.

— Ўртоқлар! Цехимизда ичкиликбозлар ўртасида катта тарбиявий ишлар олиб борилаяпти. Масалан яқиндагина Рижиков уларнинг сафида эди! Энди бўлса у — ҳушёрлик жамиятининг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Аммо ўртоқлар, — Куксинанинг овози бирдан жиддийлашди, — биз барча пиёнисталарни қайта тарбиялай олганимизча йўқ. Бизда, Егор Горин деган бир одам ишлайди. Уни зудлик билан қайта тарбияламасак, кейин кеч бўлиши мумкин. Ҳа, дўстлар, пиёнисталарга қарши аёвсиз кураш очайлик!

Алишер ИСОМИДДИНОВ таржимаси.

«ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР» ТУРКУМИДАН

ОДАМЛАР

(Боши 3-бетда).

роқ унинг башарасини кўрмасликни истарди. Гапни кўпайтирмай, шартта имзо қўйди.

— Бўлдими?

— Бўлди. Чақирганимизда галга солмай келинг.

Равшан индамай эшикни ёпди...

...Терговчи мактабга келди. Синф раҳбари иштирокида 7-синфда ўқийдиган Нигорани сўроқ қилди. Сўроқ техника воситасида бошланди: терговчи салом-аликдан сўнг хушмуомалалик билан ўзини таништиргач, нима мақсадда келганини ҳам қисқача тушунтирди-да, чўнтакка сиғадиган қутичадеккина магнитофоннинг тугмачасини босди. Овоздан Нигора тенги бир қиз тутилиб саволга жавоб берарди.

— Танидингми бу қизни? — сўради терговчи магнитофон овозини тўхтатиб.

— Йўқ, — дея бош тебратди Нигора.

— Ўттиз иккинчи мактабда ўқийдиган дугонанг Шарофат-ку.

— Шунақами, овози ўхшамаяпти.

— Ўша. У 26 июнь куни иккалангизлар Қовунчи маҳаллада кетаётганингларда ёнингдан орқасига парда тутилган оқ «Жигули» ўтганини гапиряпти. Унинг номери ноль-ноль қирқ эди деяпти.

Терговчи Шарофатнинг жавобларининг давомини қўйиб эшиттирди. Ҳақиқатан ҳам Шарофат юқоридаги гапни айтди.

— Ўша куни пешинда Шарофат билан кўришганмидинглар? — сўради терговчи ва кўк қоғозга нималарнидир ёза бошлади.

— Эсимда йўқ числоси, — деди Нигора ўйлаб.

— Бундан бир ойча илгари?

— Ҳа. Мактабдан қайтаётганда ўша ерда учрашиб, уйга бирга кетганмиз. Бунақаси кўп бўлади, уям биринчи сменада ўқийди — русча мактабда.

— Ўшанда ёнларингиздан оқ «Жигули» ўтганмиди?

— Ўтганди.

— Номери қанақа эди?

— Иккита ноли борийди.

— Қайси томонга кетди машина?

— Кетмади, келаётган эди. Сал наридан ўнгга бурилди. Кейин, биз ҳам озгина юргач у томонга бурилдик. «Жигули» битта уйни олдида тўхтаб турган экан. У уйни ёнидан ўтаётганимизда, битта хотин йиғлаётганини кўриб қарадик. У хотинни қўлида бола бор эди...

— Кейин-чи?

— Биз қўрқиб тўхтамасдан кетавердик.

— Яна ким бор эди хотиннинг ёнида?

— Бир киши.

— У ким эди?

— Танимайман.

— Машинанинг шофери эдими?

— Ҳа...

Терговчи ҳамон ёзиб ўтирарди. Шу ерга келганда тўхтади-да, бояги кўк варақни Нигорага узатди; мана буларни ўқигин-да, қўл қўйгин.

Ҳозирги қилган савол-жавобларимиз.

Нигора хусниҳатни ўқиёлмай «опа»сига қаради, синф раҳбари унга кўз югуртириб чиққач «тўғри, қўл қўявер» деди. Олдин Нигора, кейин синф раҳбари ҳам имзо чекишди. Терговчи раҳмат айтиб хайрлашди. Нигора бунақа «терговчи» одамни биринчи кўриши. Ўзининг эллик йиллик ҳаётида бу касб эгалари билан учрашишга ҳам, улар ҳақида кўп эшитишга ҳам тўғри келган «опа»га эса йигитнинг хушмуомаласи қандайдир ғайри-табиий туюлди. Нигора унинг кўнглидан ўтганни сезгандек савол берди:

— Опа, киноларда терговчиларни жуда жаҳли кўп қилиб кўрсатишади-ку, бу одам унақамас экан-а?

— Булар ҳам одам-да, — деди опа ўйланиб. — Одамлар ҳар хил бўлади. Беш қўл баравар эмас, деб шуни айтадилар... Терговчи сўнг Шарофатнинг мактабига борди. Унга Нигора гапирган лентани қўйиб бериб, сўроқ қилди. Шарофат дугонасининг айтганларини тасдиқлади. Нигора магнитофонда эшитган Шарофат эса бу Шарофат эмас, бошқа қизнинг овози эди...

«Айблаш фикри» тайёр бўлди.

Ноҳия прокурори уни тасдиқлади, «иш» судга топширилди.

Суддан олдин ўзига ёзилган «Айблаш фикри»ни қўлига олиб ўқиган Равшаннинг тепа сочи тикка бўлди. Шу пайтгача ўғлини айбсиз деб келган Қосим ака эса айбномани ўқигач шубҳаланиб қолди: «Равшан, ростини айт ўғлим, балки ўзинг...» «Нималар деяпсиз дада, наҳот мени шунақа аблаҳ деб ўйласангиз!» «Кечир, мана бу ёзганларини ўқиб...»

Ҳа, бу «ёзганларнинг» «рост»лиги-га айбдорнинг отасики ишонгиси келдими, бундан буёғига айбномани инкор этиш ҳеч бир қонун ҳимоячисининг бошини қотирмас эди. Айбномада Йўл ҳаракати қоидаларининг тўрт банди бузилгани ҳам қайд қилинган. Ажаб! Равшан минг куйиб-пишсин, йиғласин, бақирсин — у ўзини жазодан қутқариш учун лўттибозлик қилаётган бўлиб кўринаверади...

Шундай бўлди ҳам.

Ноҳия халқ суди Равшанни тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Бунда яна унинг «илгари судланмагани, иш жойидан берилган ижобий характеристика, қарамоғида вояга етмаган икки боласи борлиги» инобатга олинди.

Вилоят судига шикоят ёзишди. Шикоятдаги фикрлар эътиборга олиниб, «иш» қайта кўриш учун бошқа ноҳия халқ судига топширилди. У халқ суди... аввалги ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди.

Вилоят прокурорига шикоят ёзишди. Шикоят асоссиз деб жавоб келди.

Жумҳурият Олий суди коллегияси «иш» даги битта моддани бекор қилиб, бир йилни олиб ташлади. Бу Ажримдан ҳам норози бўлиб Олий суд президиумига шикоят ёздилар.

Бунгача орадан бир ярим йил ўтган, Равшан қамоқда эди...

...Декабрнинг ўрталари, ташқари изғирин совуқ. Эрталаб чопонини елкасига ташлаб ҳовлига чиққан Қосим ака икки уй нари қўшнининг уйидан келаётган қий-чув йиғини эшитиб ҳайрон тўхтаб қолди. Йиғи тобора авжга минарди. Нима қиларини билмай уйга қайтиб кирди, воқеани хотинига айтди. Салима хола «вой бечора, нима бўлдийкин» дея пахталик камзулини кийганича эшикдан чиқиб кетаётган эди, эри тўхтатди:

— Борасанми, қандай бўларкин?

— Бизлар уришиммизами, минг қилса ҳам кўздай қўшни.

Қосим ака индамади. У табиатан оғир-босиқ, ўттиз йил мактабда тил-адабиётдан дарс бериб келаётган одам. Тирикчилик деб ўзини ўтга-чўққа уравермайди ҳам. Борига қаноат қилиб яшаш керак, деган фалсафасини кўп такрорлайди, ўзи намуна кўрсатади. Суддан олдин ўғлининг иши тўғрисида қариндошлари, ошна-оғайнилари орасида «уларга бир нима узатмасангиз ҳал бўлмайди, пул қистирган ҳақ бўлиб кетаверади» дея маслаҳат қилганлар бўлди. «Адолатни пулга сотволаманми, бу туҳмат-ку, қолаверса, бола тузалиб кетди, ота-онаси даъвомиз йўқ деб ёзиб берди» дея рад этди. Бермоқчи бўлган тақдирда ҳам, одамларнинг оғзини бир чеккасидан чиқиб кетаётган «беш-олти минг»ни қаердан олишни миясига сиғдиролмасди...

— Вой шўрлиге-е! — деди Салима хола бошини сарак-сарак қилиб уйга кираркан, — Аҳадни машина босволибди.

— Ия, тирикми? — сўради Қосим ака ҳовлиқиб.

— Қизиқ гапирасиз-а,тирик бўлса йиғлайдиларми!

Қўлида чойнак билан кўзларини катта-катта очиб бир чеккада қотиб қолган келини бирпас серрайиб тургач, беихтиёр гапириб юборди:

— Энди Равшан акамнинг иши нима бўлади?

Саволга ҳеч ким жавоб бермади. Оғир сукунат чўкди. Анчадан сўнг Қосим ака ўзига ўзи гапиргандек деди:

— Ҳай майли, бечораларнинг бошидаги кўргилик экан-да. Ўлмай қолганида барибир айтармиди. Айтмасди...

Пешинга бориб хонадон азахонага айланди.

Ҳовлига навбатдаги аёл кириб келиши билан бел боғлаб турганлар у билан бирин-кетин кўришиб, овозининг борича айтиб йиғлардилар. Салима хола бел боғлаганлар орасида. Истаса-истамаса, кўзига ёш келса-келмаса удумни бажо келтирарди.

Аҳад эрталаб ишга эрта кетиши керак бўлгани учун машинани гаражга ташламай, уйга миниб келибди. Эрталаб совуқда ўт олдиришга аккумуляторнинг кучи етмагач, машинанинг олдига ўтиб темир ручка билан айлантира бошлабди. Мотор ўт олиш билан бирга машина ҳам юриб кетиб, Аҳадни шундоққина орқасида турган бетон симёғочга сиқибди...

Тобут кўтарилди. Фарёд бутун маҳаллани ларзага солди.

Тобут одамлар тепасида лопиллаб кўздан узоқлашган сари аёллар йиғиси пасаяр, фақат она фарёди тобора баландлар эди:

— Вой новдасида жувонмарг бўлган ўғле-ем, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди-ей! Қамалиб кетақолганингда бошингда бу кунлар йўғ эди боле-ем! Отанг ўлимингни сотвоган боле-ем!..

Ёлғиз фарзандидан жудо бўлган она телбаланиб, нима деётганини мулоҳаза қилишга ожиз эди.

Унинг деганини бу ердагилар орасида балки биринчи бўлиб англаган Салима хола ҳовли ўртасида тайқдай қотиб қолди...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

ТВ

25 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА.

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия (Одесса киностудияси). 11.10 Спорт программаси. 1. «Ҳовлимиздаги стадион». 2. Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Узстроймеханизация» — «Спартак» (Ворошиловград) 24 февралда ёзиб олинади. 12.55 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия. 14.00 «Покланиш йўлидан». 14.40 «Аёл қалби наволари». ЎзССР халқ артисти Вилоят Оқилова.

Тижорат видеоканали

15.30 «Машинасозлик — илмий-техника тараққиётининг асоси». «Электромаш» заводи. 16.00 «Бир келиб кетинг...» Наманган вилояти Поп ноҳияси меҳнаткашлари ҳақида ҳикоя.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Саҳий ўрмон», «Тулки Лариска қандай қилиб хазина излади». Мультфильмлар. 18.20 Ангрен шаҳридаги болалар ҳаваскорлик цирк коллективининг чиқиши. 19.00 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «7 кун». 22.30 Экранда — кинокомедия. «Нофелет қаерда?» («Мосфильм»). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари. Тожикистон ва Қирғизистон мактаблари ўқувчилари учрашадилар. 11.15 «Мовий шаҳарлар». Фильм-концерт. 12.20 «Лейтенант Некрасовнинг айби». Бадиий фильм.

* * *

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 «Лейтенант Некрасовнинг айби». Бадиий фильм. 18.30 «Телетомошабин ҳамроҳи». 19.00 «Гулчин». Концерт программаси. 20.00 «Ҳафта». Информацион программа. 20.30 «Шоми жавони». Ёшлар учун кўрсатув. 21.30 Москва. «7 кун». 22.30 «Шоми жавони». Ёшлар учун кўрсатувнинг давоми.

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 «Спортлото» тиражи. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Мусиқий киоск». 13.30 «Здоровье». 14.15 Бутунроссия конкурсининг лауреати Сергей Лукин чалади (домра). 14.30 «Марафон-15». Болалар ахборот-публицистик программаси. 16.00 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Химик». Танаффус пайтларида — Спидвей. Жаҳон чемпионати. Олмаотадан кўрсатилади. 18.15 «Далалар». Қишлоқ аҳли учун публицистик кўрсатув. 19.30 Якшанба кинозали. «Бугун бизнинг шаҳарда». Мультфильм премьераси («Союзмультфильм»). «Қарсаклар». Ҳужжатли фильм премьераси (Шарқий Сибирь кинохроника студияси). 20.25 Бадиий фильм. 21.30 «7 кун». 22.30 «Абадият ҳақида ўйлар». 22.45 «П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари». 6-симфония. 23.45 «Келинг, Лопасня бекати...». А. П. Чеховнинг Мелиховадаги уй-музейи ҳақида.

● МТ II

8.30 «Зарядкага сафланинг». 8.45 «Гуделка». Белоруссиянинг Соковшчина хутори аҳолиси ҳақида ҳужжатли фильм. 9.10 Скрипкачи Владимир Ланцман чалади (Канада). 10.00 «Ҳужум». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 11.35 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 11.40 «Шаҳарча». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». (сурдо таржимаси билан). 13.00 «Ҳаракат шоири». Мультипликатор А. А. Алексеев ҳақида. 13.40 Халқ куйлари». 13.55 «Тунда, оқ отларда». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.00 «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «Биатлон. Жаҳон чемпионати. 4x7,5 кмга эстафета. Эркаклар. Раубичидан кўрсатилади. 19.30 «Биз яшаётган дунё». Режиссёр Д. Луньков фильмлари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бегемот ва Қуёш». Мультфильм. 20.45 Конькида югуриш спорти. Спринтерлик кўпкураши бўйича жаҳон чемпионати. Норвегиядан кўрсатилади.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03128
Д. — 23187.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.